


Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | 2021-yil 13-avgust / № 33 (4640)





# ЮРТ ИШОНЧИНИ ОҚЛАБ...

**Спорт – билимга асосланган кучдан моҳирона фойдаланиш санъатидир. Ёзги Олимпия спорт ўйинларида маҳоратини намоён қилган чинакам юрт ўғлонларининг ҳар бир чиқишини халқимиз нафақат зўр ҳаяжон билан қарши олди, балки ўзи ҳам Ўзбекистон баҳодирига айланиб, гўё катта майдонга тушди: “Интизор қилганинг, куттирганинг, йиғлатганинг учун раҳмат”, деди ўз алпомишларига. Ҳа, адабиётми, спортми... чинакам санъатнинг қудрати ана шундай бўлади.**

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси бу йилги спорт ўйинларини Марказий Осиёда энг пешқадам мавқеда якунлади. Жамоамиз Токио олимпиадасининг 3та олтин, 2та бронза — жами 5та медалини қўлга киритди. Икки бор Олимпия ўйинларининг рекорди янгиланди. Бу йилги ютуқ Ўзбекистон ёзги Олимпия ўйинлари тарихида қайд этган иккита энг яхши натижадан биттаси бўлди. Ўзбекистон дунё бўйича ўттиз иккинчи, Осиё давлатлари ўртасида бешинчи, МДҲ мамлакатлари орасида иккинчи, Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринни қўлга киритди. Спортчиларимизнинг илк ютуқлари ва дастлабки олтин медаллари халқимизни беҳад руҳлантиргани баробарида, ижод аҳлига ҳам катта илҳом бахш этди. Олимпия ўйинлари бошланганидан то спортчиларимизни тантанали кутиб олиш маросимига қадар ёзилган шеърлар салмоқли китоб бўлади. Илҳом билан ёзилган бу асарлар халқимизга кўтаринки кайфият бағишлаб, ёшларга улкан рағбат берди.

Тошкент халқаро аэропортида ёзги олимпиада ўйинлари иштирокчилари ва Ўзбекистон делегацияси аъзоларини тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, халқ артисти Ёдгор Саъдиев, спортчиларнинг оила аъзолари ва минглаб спортсевар ҳамюртларимиз иштирок этди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир олимпиада чемпионларига бағишланган шеърини ўқиб берди. Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев чемпионларнинг оналарига таъзим бажо келтириб, “Улуғбек Рашитов Ўзбекистон учун олимпиада олтинининг дарвозасини очиб берган бўлса, Акбар Жўраев Ўзбекистон салоҳиятини бутун дунёда янада баландроқ нуқтага кўтарди. Баҳодир Жалолов эса, ўз мушти билан ҳаммасига нуқта қўйди. Давлатбек, Бекзодбек ҳаммангизга ғалаба муборак”, дея лутф қилди.

Олтин медаль соҳиблари ўз ғалабаларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаганини айтиб, она Ватан олдидаги улкан масъулият ва фарзандлик бурчи энг оғир дамларда ўзларини қўлга олишга, ғалаба қилишга ундаганини таъкидлашди.

Баҳодир Жалоловнинг онаси Сабоҳат Жалолова, Акбар Жўраевнинг онаси Ҳафиза Норметова, Улуғбек Рашитовнинг онаси Оксана Рашитова ҳам ўз дил сўзларини изҳор қилишди.

– Янги Ўзбекистонга янги ғалабалар ярашади, – деди Сабоҳат Жалолова ўз сўзида. – Олимпиададаги бу ютуқ – янги ғалабаларнинг бошланиши. Эришилажак улкан муваффақиятлар ҳали олдинда. Ўғлим бир менинг эмас, халқнинг фарзандига айланди. Баҳодир менга Токиодан олтин медаль олиб келаман, олимпиада чемпиони бўлиб қайтаман, деб ваъда берганди. Элнинг дуоси, муҳтарам Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли, у сўзининг устидан чиқди. Мен ўғлим билан Ўзбекистондек жаннатмакон юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Халқимга бошим ерга теккунча таъзимдаман.

Эл севган хонандалар Юлдуз Усмонова, Озодбек Назарбеков ижросидаги куй-қўшиқлар қалбларни завқ-шавққа, ғурур-ифтихорга тўлдирди. Ўзбекистон мадҳияси янграб, чемпионлар шоҳсупаларга кўтарилдилар. Сўнг улар махсус автобусларда Олимпия саройига йўл олишди. Пойтахт кўчаларида чемпионларимизни Ўзбекистон байроғини кўтарган минглаб спорт мухлислари кузатиб қолишди.

Таъкидлаш керакки, Олимпиада ўйинлари арафасида давлатлар ўз совриндорларини қандай тақдирлаши ҳақидаги тахминлар ҳатто дунёнинг энг йирик оммавий ахборот воситаларини ҳам алоҳида қизиқтирган мавзулардан бири саналади. Токио Олимпиадаси совриндорлари Тошкентга қайтган куннинг ўзидаёқ тақдирландилар. Уларга Ўзбекистон Президентининг махсус совғалари топширилди.

Хусусан, Олимпия ўйинлари чемпионлари Улуғбек Рашитов, Акбар Жўраев ва Баҳодир Жалоловга “Tahoe” автомобили ҳамда 4 сотихли 3 хонали коттедж берилди.

Олимпия ўйинларининг бронза медали совриндорлари Давлат Бобонов ва Бекзод Абдураҳмоновга 2 хонали квартиралар ҳамда “Trailblazer” автомобиллари топширилди. Барча уйлар пойтахт Тошкентда жойлашган. Шунингдек, олтин медаль учун 200 минг АҚШ доллари, бронза учун 50 минг АҚШ доллари пул мукофоти ҳам берилади.

**Шуҳрат АЗИЗОВ**

## ЎЗБЕКНИНГ БУРГУТЛАРИ

*«Токио–2020» олимпиадасида ғалаба қозонган Баҳодир Жалолов ва барча ўзбек спортчиларига бағишланади*



**Айналайин, Баҳодиржон,
бўйингдан,
Айналайин, камол топган
жойингдан,
«Бисмилло»ни айтиб
чиққин уйингдан,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Ўйнаб-ўсдинг Сангардакдай
жойларда,
Сувлар кечдинг
тошқин-жўшқин сойларда,
Омад сени кутар эди
қайларда,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Мард бўлади йигитларнинг
дангали,
Ушладими ҳеч қўймайди
чангали,
Укажоним, ўзинг Рустам
жуссали,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Олимпия байроғини
кўтариб,
Қўшюрагинг яналар ҳам
каттариб,
Юргин қанотингни ёзиб
юбориб,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Речирд Торрес зарбингдан
тош қотганди,
Буни кўриб қанчалар бош
қотганди,
Ринг ичида рақиб қанча
ётганди,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Муздай булоқ сувларидан
қонамиз,
Лекин доим юрт деб
куйиб-ёнамиз,
Дуо қилар Сабоҳатхон
онамиз,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Сен норисан шундай улуғ
карвоннинг,
Дуосини олдинг одил
сарбоннинг,
Сен ўғлисан Исомиддин
полвоннинг,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Ёшлигингда ўйнаб-ўсдинг
Сурхонда,
Бугун тенгсиз боксчисан
жаҳонда,
Ўзбекистон қўллаб турар
орқангда,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Сен оқлайсан еган нону
тузингни,
Сен оқлайсан доим айтган
сўзингни,
Токиода кўрсатолдинг
ўзингни,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Бахтиёрдай бахши айтди
сўзини,
Сен биласан ўз ишингнинг
кўзини,
Олавергин совринларнинг
юзини,
Баҳодиржон, сен ўзбекнинг
бургути.**

**Бахтиёр бахши ОРТИҚОВ**

# КЕЛАЖАК СИЗЛАРГА БЎЛСИН, ЁШЛАР!




**Жаннатмакон ўлкамизда, эртанги кунимиз таянчи ва суянчи, Ватанимизнинг келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар етишиб келмоқда. Замонавий билимларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз туғилиб ўсган юртини асраб-авайлайдиган ёшлар Ватанимиз таянчи! Одам боласининг қайси тупроққа киндик қони тўкилган бўлса, шу муқаддас замин унга ота макон, она юрт ҳисобланади. Бугунги ёшларимиз миллатни севиши учун унинг буюк тарихини яхши билишлари керак.**

Бизнинг заминда эрамиздан 2700 йил илгари илк давлатчилик тарихи бошланган. Бундай мақомга эга давлатлар сирасига ҳозирги Хитой, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Сурия, Эрон, Япония, Юнонистон, Италияни киритиш мумкин. Қадимги дунё тарихчиларидан юнонистонлик Ҳеродот Амударё ва унинг ирмоқлари ҳақида маълумот беради. “Авесто”нинг қадимги Хоразмда пайдо бўлгани ҳам тасодиф эмас.

Юртимизнинг сунъий суғориш тизими тарихи ҳам деярли уч минг йилга тенг. Ўша даврда ҳам экинларни суғориш талаб қилинган. Бошқача айтганда, ўттиз аср олдин ғалла, шоли, кунжут, пахта, узум, қовун ва бошқа маҳсулотларни етиштириш маданиятини йўлга қўйган ўзбек деҳқонлари, энди бу ишларни кенг кўламда сунъий суғориш тизими асосида тараққий эттира бошлаганлар. Миллатимиз улуғлиги, авлодларимизнинг дунёдаги обрўси, тутган ўрни, мавқеи ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам тугамайди.

Бундан 240 йил илгари асос солинган Лондондаги Буюк Британия музейида алоҳида эътиборни тортадиган бир харита бор. Буюк Амир Темур бобомизнинг қадами дунёнинг қаерига етиб борган бўлса, чиройли рангларда чизиб кўрсатилган. Музейга Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбекка Хитой императори совға қилган ноёб қимматбаҳо нефритдан ишланган гулоб ичадиган идиш ва яна бошқа нодир совғалар ҳам қўйилган. Камолиддин Беҳзоднинг дунёга машҳур миниатюра асарлари ҳам шу музейни безаб турибди.

Ўн тўққизинчи асрнинг саксонинчи йилларида инглизлар Амударёга яқин жойда юздан ортиқ тилладан ишланган буюмларни топишган. Тўрт от қўшилган, иккита одам бошқариб кетаётган, соф олтиндан ишланган арава ҳам шу музейда сақланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодлари даврида ишланган (Акбаршоҳга тегишли) дастаси садафдан, қолган қисми соф тиллодан ишланган ҳайбатли қилич Бобурийлар салтанати улуғлигидан далолат беради. Музейни бир-бир кузатар эканман, аждодларимиз яратган осори-атиқаларни кўриб қалбим ғурурга тўлади. Кўнгилда аллақандай ҳаяжон пайдо бўлади. Ўйладим... буларнинг барини бутун дунё одамлари кўриб, хулосалар қилишяпти. Бизнинг аждодларимиз — миллатимиз улуғлигини ҳис қилишяпти!

Минг афсуски, Чор ҳукумати, кейинчалик, совет ҳукумати миллатимизнинг энг истеъдодли фарзандларини аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди. Ўттизинчи йилларда танани кесиб кетгувчи изғирин шамоллар эсди. Совуқ шарпалар ижодкорлар кетидан қувиб юрди. Абдулҳамид Чўлпон айтганидай:

**Ҳасратим кўп элга айтолмайман,
Армоним кўп дилда сақлай олмайман.**

Ва ниҳоят 1991 йил... Мамлакатимизда 130 йиллик мустабид тузум тугаб, истиқлолга эришилди. Ўтган ўттиз йил катта воқеа-ҳодисаларга бой йиллар бўлди. Мустақилликнинг илк кунларида туғилган чақалоқлар бугун ўттиз ёшда. Улар мустақилликдан аввал туғилган инсонлардан тубдан фарқ қилади. Улар мана шу Ватаннинг ҳақиқий эгалари, улар бугун сиёсатда зукко сиёсатчи, илмда кашфиётчи олим, спортда эса энг кучли спортчи десак хато қилмаймиз.

— Ҳеч қаерда Ўзбекистондагидек ақл-заковатли, зеҳни ўткир, изланувчан ёшларни кўрганимиз йўқ, — дейди кореялик ишбилармонлар. — Ўзбек ёшларининг ҳар қандай мураккаб жараён ва технологияларни тез ўзлаштириб олиши бизнинг руҳиятимизни кўтарди.

Ўзбекистонимиз байроғини дунёнинг энг юксакликларигача олиб чиқадиган, жаннатмакон ўлкамиз қадр-қимматини, одамларимизнинг фаровон ҳаётини ўйлайдиган, ўз юртининг меҳнаткаш инсонлари билан биргаликда ҳамқадам, ҳамфикр бўлиб, дадил қадамлар ила олға қараб бораётган қанча-дан-қанча инсонларимиз бор.

Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг руҳияти тетик, яшашга, билимга, ишга чанқоқ. Юзлари доимо қуёшга менгзар миллатимизнинг ҳам меҳри бўлакча. Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эзгу қадриятларга садоқат каби фазилатлар азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шу бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак.

**Фарҳод БОБОЖОНОВ,
журналист**

# ЧИРОЙ ОЧГАН ҚИШЛОҚЛАР

**Президентимиз ташаббуси билан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари илк бор 2018 йилда Жиззах вилоятида татбиқ этилиб, Дўстлик туманидаги “Манас” қишлоғи ҳамда Мирзачўл тумани маркази қисқа муддатда кўркам масканларга айланганда ҳамманинг нигоҳи шу томон қаратилган эди. Ушбу қарашларда ҳавас ва ҳайрат мужассам эди. Кейинроқ, ҳайратлар ғайратга эврилиб, ушбу ташаббус юртимизнинг бошқа энг чекка ҳудудларига қадар ёйилди. Юзлаб қишлоқлар обод бўлди. Бу жараёнда Жиззах воҳасида орттирилган тажриба жуда-жуда асқотгани бор гап.**

### УЛУҒ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

Маҳмуд Холбўтаев шу кезларда Мирзачўл тумани ҳокими эди. У бугун Шароф Рашидов тумани раҳбари. Ўша даврда орттирилган катта тажриба энди бошқа бир туманда қўл келмоқда.

– Қишлоғимизнинг обод манзилга айланаётганидан хурсандмиз. Аввал обод бўлаётган қишлоқлар ҳақида эшитиб, телевизорда кўриб, ҳавасимиз келарди, бизда ҳам шундай бўлармикан, дея орзу қилардик, – дейди Равот қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги “Нонисангил” МФЙ раиси Иброҳим Мамарасулов. – Шукрки, улкан ўзгаришлар шукуҳи бугун бизнинг маҳалламизда ҳам ҳукм сурмоқда. Ўзимиз ҳам шундай хайрли ишларда иштирок этаётганимиздан фахрланиб юрибмиз.

Дарҳақиқат, ўзгаришларга бош-қош бўлаётган туман ҳокимини ҳали ёшлар орасида – яқин дўстдай, уларнинг орзулари билан ўртоқлашаётган, ҳали аёлларнинг бирига ака, бирига ука бўлиб дарду ташвишларини тинглаётган, кексаларга елкасини тутаётган, эҳтиёжманд болажонларнинг дардига шерик бўлаётган, туну кун халқ ташвиши билан яшаб, муаммоларга ечим қидираётганига гувоҳ бўласиз.

– Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга ошаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатини кўзлайди, – дейди Маҳмуд Холбўтаев. – “Обод қишлоқ” дастури замирида ҳам, шубҳасиз, ана шу улуғ мақсад мужассам. Мен бу борада Юртбошимиз топшириғини бажараётганимдан фахрланаман.

Шароф Рашидов туманининг жорий йилги “Обод қишлоқ” дастурига “Нонисангил” маҳалласи киритилган. Туман ҳокими ташаббуси билан қўшни “Умар” маҳалласи ҳам қўшимча равишда, орттирилган маблағлар ҳисобидан ободонлаштирилмоқда.

Зеро, Жиззах – Зомин автойўли ана шу маҳаллаларни кесиб ўтади, ушбу ҳудудда йўлнинг торлиги, ўнқир-чўнқир ва таъмирга муҳтожлиги ноқулайликларга сабаб бўларди. Бугун бу йўлнинг тўрт чақирим узунликдаги қисми кенгайтирилиб, асфальт ётқизилди. Автомашиналар ва пиёдаларнинг бехавотир ҳаракатланиши учун шарт-шароит яратилди. Икки томонига бетон ариқлар ўрнатилиб, пиёдалар йўлаклари қурилди. Уватларда мевали ва манзарали дарахтлар, анвойи гуллар яшнаб турибди. Ҳудуддаги 300та уй ҳам мукаммал таъмирланиб, кўркам тусга кирган. “Янги Равот” деб ном олган кўча аҳли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлмоқда. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудидаги мактаб, масжид, қишлоқ қабристонига олиб борадиган ички йўллар ҳам равон, текис ҳолга келтирилди.

### ҚИШЛОҒИМНИ ТАНИМАЙ ҚОЛДИМ...

– Саломатлигимни тиклаш учун бир муддат Тошкент шаҳрида бўлдим, – дейди равотлик уста дурадгор Тошбой Урдушев. – Соғайгач, уйгача таксида қайтдим. Йўлда бироз мизғиб қолибман. Бир пайти ҳайдовчи: “Амаки, қишлоққа кириб келдик, энди уйингиз қаердалигини айтинг”, деб қолди. Бундай қараб, кўзимга ишонмадим: асфальтланган кенг кўча, рангдор уйлар, йўл чети гулзор.

– Ҳой, болам, сен мени қаёққа олиб келдинг, адашмадингми? – дедим ярим ҳазил, ярим чин.

– Амаки, сиз Равотга олиб бор дедингиз, мана, Равотга олиб келдим, – дейди ҳайдовчи жилмайиб.

Ҳа, бу ўзимизнинг Равот эди. Касалхонада қисқа бир муддат даволанган пайтимда шунча ўзгариш! Қишлоқ аҳлига шундай шароитлар яратиб бераётган Президентимизга минг раҳмат! – дейди Тошбой уста.

Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази Равотнинг “Нонисангил” маҳалласида истиқомат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар ҳамда 10 нафар ёшни ободончилик ишларига жалб қилиб, уларни вақтинча иш билан таъминлади. Юсуф Абдураҳмонов ана шу ёшлардан бири. У “Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиб, ҳам хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшди, ҳам рўзғори учун маблағ ишлаб топди.

### ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари ҳаётга татбиқ этилиши кўплаб ҳамюртларимизнинг турмуш шароити яхшиланишига, муаммолари ечим топишига замин бўлди.

Бугунги кунда кўплаб ёшларда ҳам ташаббуслар туғилмоқда, бу ташаббусларда оддий инсонлар, эл манфаати ўз аксини топаётир. Шароф Рашидов туманида ҳам ана шундай хайрли ташаббуслардан бири туғилди.

– Равот қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги мактаблар ҳолатини ўрганиб юрганимизда, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Дурбек Носиров, – туманимиз ҳокими: “Ўқитувчилар ўртасида бир танлов ташкил қилмаймизми?” деб қолди. “Туманимизда педагог-ўқитувчилар сони уч ярим минг нафардан зиёд, –деди Маҳмуд Парсаматович. – Бу ҳар бир кўчада камида тўрт-беш нафар ўқитувчи яшайди, дегани. Уй-жой, кўча ва томорқаларни обод қилишни қишлоқлардаги ана шу энг йирик зиёлилар қатламига ишониб топширсак, қандай бўларкин?”

Бу таклиф устозлар томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада ўқитувчилар ўртасидаги “Хонадоним кўркам – маҳаллам обод!” танлови ташкил этилди. Танлов шартига кўра, иштирокчининг уй-жойи, ҳовлисию томорқаси озода, шинам, кўкаламзор бўлиши керак. Туман ҳокимининг ўзи шахсан бош бўлган ишчи гуруҳ педагоглар хонадонларидаги ҳолатни ўрганишни бошлади. Бу устозларни янада ғайратли бўлишга ундади.

Энг муҳими, Равот қишлоғида бошланган ҳаракат туманга ёйилди. Энди нафақат ўқитувчилар, балки уларнинг қўни-қўшнилари, яқинлари ҳам ободонлаштириш ишларига эътибор қарата бошлашди. Қўли калта, эҳтиёжманд оилаларга туман ташкилот ва муассасалар жамоалари кўмакка келишди. “Ҳашар – элга ярашар” нақли тасдиғини топди.

### РАВОТНИНГ ОЛТИН ТАРВУЗЛАРИ

Шоҳ ва шоир Бобурнинг “Бобурнома” асарида номи қайд қилиб ўтилган Равот таркибида бешта маҳалла бор.



Уларда қарийб 24 минг киши истиқомат қилмоқда. Тоғ этагида жойлашган бу қишлоқлар аҳли сел тошқинидан кўп азият чеккан, табиий офатдан юрагини ҳовучлаб қолишганди.

– 2012 йили Маҳмуд Холбўтаев туманимизга ҳоким этиб тайинлангач ана шу муаммо ҳал бўлди, – дейди “Нонисангил” маҳалласи раиси Иброҳим Мамарасулов. – Ўзлари 12 чақирим узунликдаги канал қазилишига бош бўлди. Бугун тоғлардан келадиган сел ана шу каналга оқиб тушади ва Жиззах сув омбори томон йўл олади. Табиий офат қишлоқларимизни четлаб ўтадиган бўлди.

Жорий йил кўкламининг илк кунларида Равот қишлоғида “Ёшлар дафтари”га кирган 80 нафар ишсиз йигит-қизга бир гектардан ер ажратиб берилди. Далага электр симлари тортилди, артезиан қудуқлари ковланиб, ёшлар уруғ, ўғит, ҳатто кетмону белкурак билан таъминланди. Меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилгач, ёшлар яхши ният билан тарвуз уруғи экишди. Уруғ ҳам эртаклардаги олтин тарвузнинг уруғи эканми, шунақанги ҳосил бердики, асти қўяверасиз.

– Укаларим билан 2 гектар ерга тарвуз экдик, – дейди ёшлардан яна бири Ҳусниддин Тошбеков. – Ҳозиргача илк ҳосилдан 50 миллион сўм даромад олдик. Яна уч марта тарвуз узамиз. Фойдани ўзингиз ҳисоблайверинг!

Бундан атиги саккиз ой аввал ишсиз юрган Жасур Саидвалиев 22 тонна тарвузни Белорусга экспорт қилди. Равотлик навқирон соҳибкор энди Қозоғистон ва Россия бозорларини кўзлаб турибди. Ҳамкорлар топиш борасидаги ишларни яна ўша, туман ҳокими Маҳмуд Холбўтаев ўз зиммасига олмоқда...

**Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими раҳбари**

---

**НАВОИЙНИ АНГЛАШ**

# НАВОИЙНИНГ СЎЗЛАРИ

**Тилшунос олимимиз Бердак Юсуф беш жилдлик “Навоий тили луғати”ни тайёрлаб, унинг биринчи жилдини чоп эттирди (“Шарқ” НМАК, 2018). Шу кунларда нашриёт унинг иккинчи китобини ҳам босиб чиқаришга шай турибди. Ушбу луғатда Навоий қўллаган биронта ҳам сўз тушиб қолмаслигига алоҳида эътибор берилган.**

“Навоий тили луғати”нинг дунёга келиши – илмий, адабий ҳаётимизда катта воқеа. Чунки ҳозирга қадар Навоий асарларининг тили юзасидан беш жилдлик улкан изоҳли луғат тузилган эмас эди. Ана энди шу буюк ижод кўламига ярашиғли, муносиб иш рўёбга чиқди, деб айтсак бўлади. Албатта, уни тайёрлашда аввалги луғатлар тажрибаси Бердак Юсуфга қўл келган, маълум маънода, уларга танқидий ёндашув ҳам бу улкан лексикографик асарнинг юзага келишига омил бўлган.

Аслида, Алишер Навоий асарларига изоҳли луғат тузиш шоирнинг кўзи тирик пайтидаёқ бошланган. Толе Ҳиравийнинг 1500 йилдаги “Бадое ул-луғат”и, кейинги асрларда тартиб берилган “Луғати Навоий”, “Абушқа”, “Санглоҳ” каби ўнлаб луғатлар бор. Улар турли даврларда китобхонларни Навоий асарларининг мазмунини тўлароқ англашларига кўмаклашиб келган. XX аср ўрталаридан бу анъана яна тикланди. Порсо Шамсиев билан Собиржон Иброҳимов тузган “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат” (1953), шу муаллифларнинг “Навоий асарлари луғати” (1972), Э.Фозилов раҳбарлигида тузилган 4 жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (1983-1985) каби ўнга яқин луғатни мисол келтириш мумкин. Шу маънода, Бердак Юсуф луғатини Навоий лексиконини талқин қилишдаги ўзига хос бир сарҳисоб, десак бўлади.



Муаллиф “Кириш сўзи”да ушбу луғатнинг аввалгиларидан қандай принципиал фарқи борлигини ўн тўрт бандда тушунтириб ўтади. Чунончи, ҳар бир бош сўз қайси тилдан кириб келгани, унинг эски ўзбек ёзувидаги шакли, сўнг лотин ёзувидаги транскрипцияси берилган. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да ҳам, ундан олдингиларида ҳам сўзларнинг сўз бирикмасидан фарқланмагани, “айт” ва “айтмоқ” сингари юзлаб сўз шаклларини такрорлаш орқали луғатнинг ҳажми орттирилгани, сўзнинг бош маъноси ва кўчма маъноси ажратилмагани ва, энг муҳими – уларда Навоий асарларида учраган барча сўзлар қамраб олинмагани қайд этиб ўтилган.

Ўзбек тили туркий тиллар орасида энг бой тил тил, Навоий эса нафақат ўзбек, балки барча турк улусининг энг улуғ сўз устаси. Бундан, “Навоий тили луғати”ни тузиш қанчалик шарафли иш бўлса, шу қадар машаққатли, масъулиятли юмуш экани аён бўлади.

Бердак Юсуф бу улкан ишида Алишер Навоий асарларининг тили изоҳига оид йигирмага яқин луғатдан фойдаланган, албатта. Бироқ буни шунчаки “фойдаланиш” эмас, балки уларнинг ҳар бирини синчиклаб тадқиқ этиб, нуқсонларини аниқлаб, ютуқларини бу янги луғатга ҳам татбиқ этишдан иборат машаққатли меҳнат натижаси, десак тўғрироқ бўлади.

Шу луғат тугал босилиб чиққач, ўзбек тилшунослигида, навоийшуносликда то ҳануз ечилмай турган бир масала: Навоий асарларида қанча сўз ишлатган, деган жумбоқ ҳам ўз-ўзидан ҳал этилади.

Чунки ҳозирда бу саволга бир-биридан жуда катта фарқ қиладиган икки хил жавобни учратамиз. Етмишинчи йилларда тилшунос Баҳром Бафоев махсус шуғулланиб, “Алишер Навоий асарларида 26 мингга яқин сўз қўллаган”, деган хулосага келган ва бу маълумот кўп жойларда айтиб келинар эди. Аммо яқиндан бери бошқа бир хабар ҳам адабий доираларда бот-бот тилга олинадиган бўлиб қолди.

*“Қачонгача 80 минг сўз атрофида айланиб юрамиз?* – деб ёзади Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Лола Ўроқова “Мукаммал изоҳли луғат эҳтиёжи” деган мақоласида. – *Қачон ўзбек тилининг мукаммал изоҳли луғати чиқади? Ҳолбуки, Алишер Навоий бобомиз ўз асарларида бир миллиондан ортиқ сўз ишлатгани ҳақида ёзишган. Бу сўзларнинг аксарияти араб, форс, урду, хитой, мўғул сўзлари бўлганда ҳам миллион рақамининг ўзи Навоий ижоди, қолаверса, туркий тилнинг қудратига тутилган кўзгудир* (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2020 йил, 6 ноябрь).

Бир миллион сўз дегани – йигирма олти минг сўздан қирқ баравар(!) кўп. Айримлар эса “Навоий бир миллион уч юз минг сўз қўллаган”, деб ҳам ёзишяпти. Аммо бизга бу фидойилар шоир асарларини қачон тўлиқ ўқиб чиққанию шунча сўз қўллаганини қандай аниқлашгани шубҳали туюлади. Зеро 1 миллион 300 мингта сўзни топиш уёқда турсин, 1 дан 1 300 000 гача бир лаҳза ҳам тўхтамай санаб чиқишнинг ўзига икки ой – олтмиш кун керак. Афтидан, бир миллион деганда Навоийнинг асарларида жами нечта сўз борлигини (минглаб сўзлар юзлаб марта такрорланса-да) кўзда тутишади, шекилли.

“Навоий тили луғати”нинг биринчи жилдида “А”дан “Д” охиригача, яъни “а”, “б”, “в”, “г”, “д” товушлари билан бошланадиган жами 4730 та сўз изоҳланган. Буёғи – оддий арифметика амали: ана шу сонни кейинги тўрт жилдга кўпайтирсангиз, камида 24 мингта сўз келиб чиқади. Ва, албатта, эндиги жилдлардан ўрин олажак “М” ва “Т” каби товуш билан бошланадиган арабча сўзлар шоир асарларида бисёр эканини назарда тутсак, Навоий асарларининг лексикони янада ошиб, бояги 25-26 минг атрофида бўлиши ойдинлашади. Ҳар ҳолда, бу беш жилдлик луғат тўлиқ босилиб чиққач, Алишер Навоий асарларида нечта сўз қўллагани аниқ-тиниқ маълум бўлади.

Бу масалага тўхталаётганимизнинг боиси шуки, ҳар гал тил байрамида ёки Навоийнинг таваллуд кунларида “Ҳазрат 26 минг (ёки – бир миллион) сўз қўллаган, Пушкинда эса 21197 та сўз бор, бошқаларники эса шунга ҳам етмайди”, деган иддаолар айтилади. Тўғри, шоир ижодида сўз бойлиги муҳим, аммо лексиконнинг ўзи улуғликнинг энг муҳим белгиси ё мезони эмас. Назарий жиҳатдан, қайсидир бир адиб беш-олти мингта сўз қўллаб ҳам жуда юксак даражага эришиши мумкин. Буни далиллашга яна Навоийнинг ўзи ёрдамга келади. Унинг ўспирин чоғида битган ғазали матлаини қаранг:

**Оразин ёпқач кўзумдин**
**сочилур ҳар лаҳза ёш,**
**Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз,**
**ниҳон бўлғач қуёш.**

Бу ғазалнинг Лутфий томонидан қандай кўтаринки кутиб олингани ва олқишлангани маълум. Ҳолбуки, бу пайтда ёш Алишер Навоий ижодида жуда кўп сўз қўллаб улгурган эмасди-ку?

Ижодкорнинг тил бойлиги неча минг сўз ишлатганига қарабгина эмас, шу билан бирга, ҳар бир калиманинг маъно ва услубий товланишларидан қанчалик усталик билан фойдаланишида ҳам кўринади. Туркий тилларнинг энг улуғ билимдони Навоий асарлари бу фазилат билан бениҳоя музайян:

**Ўқ эдинг, эй тонгки, оттинг**
**жонима вуслат туни,**
**Бу жиҳатдин ёрума дермен**
**сени ҳар субҳдам.**

(Эй тонг, сен бир ўқсанки, висол тунида жонимга қараб отдинг, шу сабабли ҳам, сен ҳақда ҳар субҳидамда, ёрума, деб айтаман).

Тилимиздаги “тонг отди” деган турғун бирикмани шоир сўз ўйини ясаш учун таркибан ажратади (тонг бир нимани отди, қаёққа қаратиб отди). Ошиқнинг муддаоси – висол тунининг тугамаслиги. Тонг эса уни шундан мосуво этади, шоирона таъбирга кўра, ошиқнинг жонига ўқ отади.

Навоийда кўпинча бир сўз икки-уч маънода – тажнис бўлиб келади. Шу байтдаги “ёрума” калимаси “Эй тонг, **ёришма**” ҳамда “Ҳар тонг **ёримга** сендан шикоят қиламан”, деган иккита маънони англатади.

Муаллиф “Навоий тили луғати”ни аввалги ҳеч бир луғатларда дарж этилмаган “Аазз” калимасини шарҳлашдан бошлайди ва бу улуғ сўз сеҳргарининг афсунларини ҳаддул имкон кашф этишни мақсад қилиб, ҳар бир сўзнинг бош маъносидан бошқа талай маъноларини ҳам кенг очиб беришга ҳаракат қилади, уларнинг кўчма маънолари ҳисобини ҳам оширади.

Ушбу беш жилдликнинг аввалги шундай лексикографик асарлардан афзал жиҳатлари нимада? Албатта, бунга уларни батафсил ўзаро қиёслаш орқали жавоб топиш мумкин, холос. Аммо беш юз бетлик бу китоб фазилатларини бир бошдан дарж этмоқ учун камида унинг ярмича келадиган яна бир китоб ёзишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам унинг биргина бетини бундан аввал чоп этилган сўнгги йирик луғат – “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (4 жилдлик)даги ўша ўринга таққослаш ҳам етарли деб, **“Афсона”**дан **“Афсун”**га қадар бўлган тўққизта бош сўз изоҳини ўзаро қиёсладик. Зеро, Навоий бир байтида шу икки сўзни тилга олиб, ёзган экан:

**Дайр пири озу нофиъ нукта дер воиз, не суд,**
**Гар даме афсона айтур, лаҳзае афсун этар.**

*“Афсона”* ва *“Афсун”*, улар орасидаги *“Афсонаваш”, “Афсонагузор”, “Афсоналиғ”, “Афсонапардоз”, “Афсонасанж”, “Афсонасарой”, “Афсор”* сўзларини икки луғатдан солиштириб кўрдим. “Афсона”, кўплар тушунгандай, *1.“авлоддан-авлодга ўтиб келадиган тўқима, ҳикоя, ривоят”* бўлибгина қолмай, яна тўрт маъно товланишларига эга экани *(2. ”достон”; 3. “оғизга тушган, достон бўлган”; 4. “тўқима, уйдирма”; 5. “бемаъни”)* шоир асарларидан мисоллар келтириб далилланган (аввалги луғатда 5-банддаги маъно дарж этилмаган). Қолаверса, ушбу луғатда сўзнинг нечта маъноси ва кўчма маънолари бўйича мисолларнинг ҳеч бири тўрт жилдлик луғатни такрорламайди – аксари янги топилган ёки тўлдириб берилган. Бу эса ҳар бир сўзга ўртача тўрт мисол келтирилган бўлса, юз минг атрофида янги иллюстрация дегани. Чунончи, *“Афсоналиғ”* сўзи тўрт жилдликда *“машҳурлик; афсоналик; кўп сўз, гап айтишлик”,* деб изоҳланиб,

**Гар анжуманни деса мурииду мутиъ этай,**
**Кўп нуктау фасонада афсоналиғ керак —**

деган байт ҳавола этилган бўлса, Бердак Юсуф луғатида бу калимага қуйидагича изоҳ берилган:

1. машҳурлик:

**Ушбу бўлур ғайрату мардоналиғ,**
**Рашку ҳамият била афсоналиғ —**

2. овозалик:

**Мен сўзи кавн аҳлиға**
**афсоналиғ қилған қари,**
**Сен кўзи Кашмир элиға ўргатур**
**афсун йигит.**

Яъни, аввалги луғатда икки маъно аралаштириб юборилган бўлса, кейингисида ажратилиб, ҳар бирига мувофиқ мисоллар илова қилинган. Зотан, “машҳурлик; афсоналик” бир бошқа, “кўп сўз, гап айтиш” эса унга алоқаси бўлмаган яна бошқа тушунча.

Энди “Афсонасанж”га келайлик. Тўрт жилдлик луғатда у *“сўзга назар солувчи, танқидий ва ибратли назар билан тингловчи”*, деб тушунтирилган. Бердак Юсуф эса *“афсона айтувчи”* деб бунинг аксини тақдим этади. Кўрамизки, талқинлар бир-бирига зид: тўрт жилдликда “тингловчи” дейилса, беш жилдликда “айтувчи” деб талқин қилинади. Ҳолбуки, тўрт жилдликдаги талқин хато эканлигига ўша китобнинг ўзида далил бор. Унинг бошқа ўрнида *“Нуктасанж – латофатли гап сўзлаш, синчиклаб-танлаб сўзлайдиган”* деган талқин берилганки, бу “афсонасанж” изоҳи янглиш эканини кўрсатади.

Мен тўрт жилдлик луғатдаги ички алифбо бузилишлари бу гал тартибга солингани, имло хатолари тузатилгани каби яна бир талай мақбул ишларни айтиб ўтирмай. Бир нарса аниқки, улкан бир иш рўёбга чиқяпти – миллат қуёши ҳазрат Алишер Навоийнинг муборак тили таккаллум этган, муборак қалами рақам қилган сўзлар бирма-бир, батафсил шарҳланяпти. Бу эса, нафақат улуғ шоир асарларини тўлиқроқ тушунишга кўмаклашади, балки ўқувчиларни Навоий маънавий оламининг янада ичкарироқларига олиб киришга, халқимизнинг маърифатини юксалтиришга омил бўлади.

Албатта, ушбу беш жилдлик изоҳли луғатда ҳам жилла ўтиришмаган ҳолатлар йўқ эмас. Навоийнинг тарихий ва илмий асарларидаги киши исмлари ҳам алифбо тартибида турдош от бўлган сўз-тушунчалар қаторида берилибди. Масалан, *боқа* (кўра); *Боқибек* (шахс номи); *боқий* (абадий); *боқийлиғ* (мангулик); *Боқир* (шахс номи); *боқиш* (қараш)... каби. Қай бир ажнабий луғатларда шундай тартибот жорийдир, бироқ “киши исми ҳам сўз-ку”, деган принцип бизда тасдиқ топиб, маъқул бўлармикин?

Луғатнинг 66-саҳифасида *“Аллоҳ”* сўзи изоҳланган. Дуруст, бироқ “О” ҳарфи келган чоғда *“Оллоҳ”* деб ҳам шарҳланадими, деган фикр ҳам йўқ эмас, негаки, шоир асарларида бу шакл ҳам кўп қўлланган. Навоийнинг гоҳ Оллоҳ, гоҳ Аллоҳ деб ёзмагани аниқ, шундай экан, айни луғатда ва шу баҳона, умуман ўзбек имлосида араб сўзларини қандай акс эттириш бўйича бир мақбул тўхтамга келиш жуда долзарб бўлиб қолди. Ҳозир ҳатто киши исмлари ҳам *Абдулла-Абдуллоҳ, Али-Алий* тарзида олақуроқ бўлиб кетаётир. *Дин-дийн, масала-масъала, ақида-ақийда* каби юзлаб шакллар икки хилда ёзилаётир. Бу ҳол саводсизликка олиб келиши, ва ниҳоят, луғатлардан фойдаланишда ҳам мушкуллик туғдириши турган гап.

Яна бир истак – изоҳли луғатда бир сўз ўша сўзнинг ўзи билан, чунончи, *арафа – арафа; виқор – виқор; бурун – бурун...* тарзида тушунтирилмасдан, бошқа синоним сўзлар орқали талқин этилгани маъқул.

“Қомус” деган сўз арабча, “луғат”нинг синоними. Аммо бизда унинг маъноси сал ўзгарган, энциклопедия деб тушунилади. Бу ҳам тил бойишининг бир йўли-да. Мен ушбу беш жилдликнинг энди босилиб чиққан биринчи китоби билан танишиб чиқиб, уни “Навоий тили луғати”гина эмас, балки Навоий тили қомуси бўлибди, дегим келди. Баҳарҳол, навоийшунос олимлар, атоқли лексикографларимиз бор, тугал баҳони улар беришади.

Луғат тузиш – энг оғир, ўта машаққатли, ҳатто бир неча чақирим ер остидаги конда ишлашдан ҳам азобли меҳнат, деб тан олинган. Бир умр шу иш билан шуғулланиб келаётган, анчагина туркий тилли луғатларни нашр эттириб, турк-ўзбек луғатшунослигининг етакчисига айланган, ҳозир ҳам ўзи бир умр ишлаган Тил, адабиёт ва фольклор институтининг катта илмий ходими деган камтаргина лавозимда хизмат қилиб келаётган Бердак Юсуфга ушбу пурсалобат, мағзи тўқ луғатнинг кейинги жилдларини ҳам юксак савия билан тайёрлаб, тез орада нашр эттиришида куч-қувват, матонат тилаймиз.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,**
**филология фанлари номзоди**

Ашурали БОЙМУРОД

# ЯШАЯПМИЗ ЮРТДА ЭРКИН, ФАРОВОН



## АДИБЛАР ХИЁБОНИДА

Шеър тинглаб улғаяр шаҳар ва қишлоқ,
Назм майдонидир гўё азим Шош.
Эй, митти юлдузлар, келинг, яқинроқ,
Ўртада Навоий – боқий бир қуёш.

Бу гулшан шеър ила бўлибди кўркам,
Оҳанг нур таратар янги достондан.
Ёдда тут, азизим, ҳар лаҳза, ҳар дам
Қуёш нур оларкан Ўзбекистондан...

Бунда сўз мулкига қўйилмиш ҳайкал,
Устозлар руҳига қиламиз таъзим.
Бу майдон кўнгилга берилган сайқал,
Гўё ёниб турар оловли назм.

Шеър базми тугамас, тинглаган ғолиб,
Кўнгил сарҳадларин этгайдир обод.
Кеча хиёбондан катта завқ олиб
Мамнун чиқиб келар бахтли ёш авлод.

## АЁЛ

Бу қандай жозиба, рангин жилолар,
Оламга кўрк бергай ҳусни зеболар,
Ўзингсан маъданим, ўзинг тиллолар,
Меҳрнинг конига маъдандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Аёллар дафтари – меҳр дафтари,
Унга ёзилажак битиклар бари,
Санамлар сарвари, олам гавҳари,
Баҳордек юз очган чамандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Учинчи Уйғониш завқин улашгай,
Талашса, болам деб ҳар кун талашгай,
Гўё Тўмарисдек ёниб курашгай,
Сўзи гул, ўзи гул-чамандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Меҳр алифбосин ўргатгай ёниб,
Гўдаги ёнида, кетмагай тониб,
Яшайди бир-бирин меҳрига қониб,
Ширин сўз, бокира сухандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Тадбиркор, миришкор, ҳар ишда ғолиб,
Муаллим ўзидир, мен унга толиб,
Яшайди бор ишни елкага олиб,
Гўё ловуллаган гулхандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

## ШОИРНИНГ АЁЛИ

*Рафиқам Манзурахонга*

Сен қалбимга шеъриятни инъом этдинг,
Ҳисларимга завқни қўшиб илҳом этдинг,
Булбул бўлиб сайрамоққа имкон этдинг,
Ёзганларим ишқнинг ўжар хаёлидир,
Шоирни чин шоир қилган аёлидир.

Бир нафасда ёзар бўлсам, нафасим сен,
Мен ўзимни банд этганда қафасим сен,
Умидларим, Зуҳроларим, ҳавасим сен,
Ҳамон ўша боқишларинг иболидир,
Шоирни чин шоир қилган аёлидир.

Таҳрир этдинг илк ўқувчим ўзинг бўлиб,
Тун – илҳомим, сенинг қаро кўзинг бўлиб,
Туғиларди шеърлар манзур сўзинг бўлиб,
Сенинг билан ҳар оқшомим зеболидир,
Шоирни чин шоир қилган аёлидир.

Қирқ йилдирки, инжиқлигим кўтаргайсан,
Ёнимдасан, ҳамон кўнглим ахтаргайсан,
Йўқотгайман, аммо уни сен топгайсан,
Бугун ўғил-қизларинг ҳам зиёлидир,
Шоирни чин шоир қилган аёлидир.

Сен туфайли етдим сўзнинг манзурига,
Шеърим билан кирдим кўнгил ҳузурига,
Бирга етсак, деймам умр манзилига,
Ҳар бир оним, лаҳзаларим наволидир,
Шоирни чин шоир қилган аёлидир.

## ЎША МЕНМАН

Мен боримни бериб бўлдим,
Бир тоғ эдим эриб бўлдим,
Сўз дурларин териб бўлдим,
Сўзим чақмоқ, дил йиғлайди,
Дил қатида гул йиғлайди.

Оромингни бузганим рост,
Сени бевақт узганим рост,
Лек, ҳаммадан ўзганим рост,
Айт, нималар керак сенга,
Қолгани шу – юрак сенга!

Қалбим нотинч баҳор эди,
Томиримда ёрилгудай
Қонлар жўшиб оқар эди,
Чертдим тунда деразангни,
Олиб чиқдинг бор нарсангни...

Нима қилдик... ўзинг билдинг,
Муштдеккина юрагимни
Пора-пора қилиб тилдинг,
Вужудимдан қон сачради,
Таним бир ён, жон сачради.

Меникидир ўша қирлар,
Қонга тўлган қизғалдоғим,
Сенинг бирла барча сирлар...
Ҳар баҳорда шундай бўлар,
Тоғ ёрилиб сойга қулар.

Қизғалдоғим, шошма энди,
Хазон бўлган ўша севгим
Юрагимда қайта унди.
Бугун тупроқ билан тенгман,
Ўша севгинг — ўша менман!

## БАҒРИНГГА СИҒМАДИМ, ОСМОН

Учмоқ бўлдим баланд саҳнада,
Йўлим тўсди зирҳли совутлар,
Юлдузларга етган паллада
Ҳайдаб солди қора булутлар.
Ўз еримга шўнғидим осон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Сенинг бўстон, чаманларингда,
Ҳақни излаб тутгандим қалам.
Борим юлиб олганларингда,
Ич-ичимда қолганди алам.
Сўз айтмоққа бермадинг имкон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Чақмоғингда куйдирдинг гоҳо,
Не савдолар солдинг бошимга,
Жонимдан ҳам тўйдирдинг гоҳо,
Ойлар гувоҳ тўккан ёшимга...
Қувонч топмай кезганча сарсон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Осмон, бағринг тормиди наҳот?!
Чақмоғингдан кўзлар қамашди.
Ўз юлдузин тополмай ҳайхот,
Бу кенгликда кўплар адашди.
Қилолмадинг бир бора меҳмон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

– Не қиласан осмон тоғида,
Дилинг айлаб сен мотамсаро?
– Ўз ичимга сиғмай гоҳида
Учганим рост чексизлик аро...
Кутмагайман мен сендан эҳсон
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Қўл силтадим сўнгра бепарво,
Тўлиб кетди ҳасрат достони.
Энди кўкка қилмасман даъво,
Чарақлайди кўнглим осмони.
Энг аввало, ўзимни енгиб,
Кенг самога кетгайман сингиб...

## ШОИРНИНГ УМРИ

Чақмоқдан яралгай митти юлдузлар,
Умрнинг кўлами чақмоққа қиёс.
Ҳайратни бир лаҳза кўраркан кўзлар,
Армонлар юракда қоларкан, холос.

Шунчалар қисқадир одамнинг умри,
Лаҳзалар ичинда ёнишим керак.
"Чақмоқдай яшай бил!" Юракнинг амри,
Ёнишга улгуриб қолишим керак!

Бир лаҳза кўксини айлади осмон,
Чақмоқдек отилди юрагин узиб,
Пушкин ва Есенин, Лермонтов, Чўлпон,
Усмон Носирлару Муҳаммад Юсуф.

Ўзи исинмади, иситди элни,
Катта йўл очилди йўлакчасида.
Шеър ила овутди севишган дилни,
Дунёни уйғотди юракчасида...

## ЎТТИЗ ЁШЛИ АВЛОДГА

Шижоатинг нақадар тездир,
Биз сен билан, дунёни кездир.
Меҳр надир, юракка чиздир,
Ўттиз ёшли навқирон авлод,
Босган изинг нурафшон, обод.

Қўлин чўзар жануб ва шимол,
Парвонадир бошингда ҳилол,
Ҳар бир кунинг ҳикмат, эҳтимол,
Ўттиз ёшли навқирон авлод,
Сен ўқдан ҳам илдамроқ, ҳайҳот!

Энди ортга қайтмайди бу эл,
Тош кемириб, симиради сел,
Мард бўлсанг, дўст, шу майдонга кел,
Учинчи бор уйғонган авлод,
Курашмоқдан йўқ ўзга нажот.

Боболарга муносиб ворис,
Мақсад аниқ, йўл эса олис,
Алпомишлар, бири Тўмарис,
Ўттиз ёшли навқирон авлод,
Қудрат сенда, сендадир сабот.

Жаннат кўрдим бугун чўлингда,
Еру осмон сенинг қўлингда,
Улуғ мақсад турар йўлингда,
Ўттиз ёшли навқирон авлод,
Қалби қайноқ, сўнмас бир ижод.

Ҳар бир гўшанг обод, чароғон,
Олам ичра янги бир жаҳон,
Яшагаймиз эркин, фаровон,
Ўттиз ёшли навқирон авлод,
Қутлуғ сенга, гўзал, ҳур ҳаёт!

## НАЖОТ

Нажот нимадир, айтгил, азизим,
Тақдир елкамизга ортган ижодни,
Нажот топгандайман ўзимга ўзим,
Ёлғиз муҳаббатдан топдим нажотни.

---

Наби ЖАЛОЛИДДИН

# ШУНЧАКИ ВАТАНПАРВАР

ҲИКОЯ



Унинг исм-шарифи айтилиши ҳамоно бир сесканиб тушди. Ўрнидан тураркан, юрак уриши тезлашиб, оёқларидан мадор кетгандай туюлди. Шусиз ҳам муҳташам саройнинг салобати босиб, ҳаяжон оғушида сархуш ўтирганди. Энди эса вужудида титроқ уйғонди. Йўқ, ўзини қўлга олиши керак. Президент қошига боряпти, ахир. Ана, табассуми чеҳрасига нур таратган юртбоши у томон бир неча қадам ташлади. Ниҳоят, қўли илиқ кафт ва бақувват панжаларни ҳис этди.

— Табриклайман! — деди президент орденни унинг чап кўкрагига тақиб.

Сўнг уни бағрига босди.

Отасиз ўсганиданми, дийдаси юмшаб, кўзлари ачишди, кўкси сим-сим эриди.

— Бизга сизга ўхшаган ватанпарвар одамлар керак! — деди президент меҳрли боқиб ва елкасига оҳиста қоқди. — Бардам бўлинг!

Унинг бўғзида нимадир қалқди, киприкларининг остидан ёш сизишига бир баҳя қолди. Йўқ, йиғламайди, юртбоши ҳузурида кўз ёши қилса, уят бўлади. Жойига қандай қайтганини сезмади. Ўтирдию оғир ютиниб, беихтиёр кўзларини қаттиқ юмиб очди. Юзида ёш сирпанаётганини ҳис қилди. Ярим очиқ кафтининг кўрсаткич бармоғи бошланадиган бўғинига бир томчи ёш томди. Кеча бу ёққа келишдан аввал, икки ўғли Тошкентда ўқишда, кенжаси қиз бўлганлиги боис, аёлининг ишини енгиллатгиси келиб, ўзи ўтин қилди. Азалдан ўтинда пиширилган паловни яхши кўради. Болтанинг дағал сопи кафтини қавартирганди. Кўз ёши бўғин «арикча»си узра оҳиста сирғалиб, кафтидаги қадоқни гир айланасига хўл қилди.

Шуури ойдинлаша бошлади: президент уни «ватанпарвар» дедими? Наҳотки ҳаммасини билса?! У президентга қаради: хаёли олис 1991 йил сари оғди.

Ўшанда дунёни зир титратган улкан мамлакат алғов-далғов бўлиб кетганди. Ҳар куни қайсидир бурчагида бирон мудҳиш воқеа рўй берарди. У ўқитувчи эмасми, ҳамма нарсадан воқиф туриш ниятида, бўш бўлди, дегунча кичкинагина рангсиз телевизорига «ёпишиб» оларди.

31 август. Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бормоқда. Сўз Ўзбекистон Республикаси раҳбарига берилади. Шунда... кутилмаганда... Ҳаҳа, мутлақо кутилмаганда... Президентнинг ниҳоятда ҳаяжонланаётганлиги шундоққина юз-кўзидан сезилиб турарди. Олдидаги матнни дадил овозда ўқиркан, охирида Ўзбекистонни мустақил давлат ва 1 сентябрни Мустақиллик куни байрами, дея эълон қилди. Зал сукунат оғушида қолди, оламга жимжитлик чўкди гўё. У ҳам телевизор экранига тикилганча нафас ютиб ўтирарди. Президент бундай бўлишини кутмаганди шекилли, бир муддат залдагиларга тикилиб турди-да,

— Нега қарсак чалмаяпсизлар, ахир, ватанимиз озод бўлди! — деди қарийб ҳайқириб.

Шундагина залдагилар ўринларидан туриб қарсак чала бошладилар.

У ҳам ёш боладек ўрнидан сапчиб, «уре-е!», дея қичқириб юборди. Унинг овозини эшитиб, кўзлари ола-кула хотини кириб келди.

— Нима бўлди-ей? Нимча (намунча) бақирасиз?!.

— Ўзбекистон мустақил бўлди, хотин, мустақил бўлди: — У хотинининг елкаларидан тутиб, ўпиб олишга уринди.

— Боринг-эй, шунга шунчами? Ёш болага ўхшаб... — Хотини унинг қўлларини силтаб ташлади. — Ундан кўра тозароқ туз топиб келинг, магазиндаги қоп-қорайиб ётибди.

У мулзам тортиб, бир лаҳза эсанкиради.

— Менга қара, аяси, — деди кейин ўзи томон қайрилган хотинининг кўзларига тикилиб. Афсуски, унинг нигоҳи бўм-бўш эди, ичи қорайган тандирнинг оғзидай бақрайиб турарди. Бунга тоқат қилолмай, — хўп, тоза туз топиб бераман, — дея ғудраниб нари кетди.

— Топиб бермаям кўринг-чи... — Хотини унинг гапини ўзича тушуниб, ҳазил қилган бўлди. — Овқат ейсиз-ку, ахир...

Аламдан бўғзи куйди. Ҳозир кимгадир нимадир дейиши керак эди. Албатта, ватан, мустақиллик ҳақида гапиришни истарди. Лекин кимга? Буёқда тоза туз топиши керак. Кўз четлари ачишиб, йиғлагиси келди. Лекин йиғлолмади. Дарвоқе, туз топиши керак. Дўконда, ҳалиги... Ҳа, рост, ўша савилдан олиб киради. Умри бино бўлиб ёзилиб ичганини, яъники кайфу сафо қилганини эслолмайди. Лекин бугун ичмаса, ёзилиб-яйраб ичмаса бўлмас. Гап ейдиган ошна-оғайниларига айтай деса, унинг дардини тушунмай, ҳафсаласини пир қилишади, масхаралаб қолишлариям мумкин. Яхшиси...

Дўкондаги туз ростданам йирик-йирик, бунинг устига, тозаланмаганидан кулранг тусда эди.

— Маши тузми? — деди у бир сиқим тузни кафтига олиб, тикиларкан, шунинг ортидан бурнини жийириб.

Дўкончи насиҳатомуз оҳангда деди:

— Шунисигаям шукр қилинг, ука, ҳозир ҳеч қаерда туз йўқ.

Ҳа-я, ўйлади у, озиқ-овқат деганлари борган сари танқислашиб боряпти-ку. Тузнинг камёблашганига қанча бўлдию. У ўғри ургандай шип-шийдон пештахталарга қаради.

— Тозароғи йўқми? — сўради гўё ўзига ўзи гапираётгандай «энди нима қилдим», оҳангида.

— Бошқаси йўқ. Лекин буниям тозалаб ишлатса бўлади, — тушунтирди дўкончи. — Илиқ сувда ивитиб, докада сузволасиз. Кири докада қолади, овқатга намакобини ишлатаверасиз.

— Ҳа, майли, — ғўлдиради у кайфиятини бузгиси келмай. — Бир кило обтурайлик-чи.

Дўкончи туздан бир кило тортиб, қалин қоғозни карнай қилиб ўради.

— Арақ борми? — сўради у паст овозда у ёқ-бу ёғига бирров қараб оларкан.

— Ие, сиз ичмасдингиз шекиллию домла? — Дўкончи бу гапи билан унинг ўқитувчилигига писанда қилганди. — Бору сал қимматроқ-да. Сотиб беринг, деб биров ташлаб кетганди.

— Бераверинг, бугун ичмасам бўлмайди. Теппамасми (қўлболамасми) ишқилиб?

Дўкончи ичкари хонадан бир шиша арақ олиб чиқиб, уни ҳам қоғозга ўради.

— Тинчликми, ишқилиб, домла? — деди арақни унга узатиб. — Нима, келинминан уришиб қолдингизми?

У аввалига дўкончига хиёл норизо нигоҳ ташлади-да, кейин:

— Эшитмадингизми?.. — дея шодон овозда ичидагини тўкиб солишга чоғланди. Бироқ дўкончининг нигоҳига кўзи тушдию тилини тийди. Унга гапириб маза тополмаслигини фаҳмлади.

Уйига қайтиб, томорқадан иккита помидор олиб чиқиб ювди ва ликобчага парраклаб тўғради. Кўзни қамаштиргудай қип-қизил помидорга ҳалиги қорамтир туздан сепгиси келмай, қалампир тўғраб қўя қолди. Сўнг бировнинг кўзи тушишини истамай, уй ичига кириб олди. Кичкина пиёлага тўлатиб арақ қуйди. Пиёлани қўлида тутиб, кимгадир нимадир демоқчидай ҳар томонга интиқ аланглади. Афсуски, ёнида ҳеч ким йўқ эди.

— Мустақиллик муборак! — деди кейин чап қўлида бағрини қаттиқ сийпалаб. — Озодлик муборак... Ватан!..

Пиёлани лабига олиб бориши билан димоғига арақнинг бадбўй ҳиди (қўлбола шекилли) урилди. Ичгиси келмай, нон билан бир паррак помидорни ямлади. Қизиқ, ўйлади, емишни ямларкан, ватаннинг озодлигини, мустақиллигини миллатнинг не-не улуғлари бир умр орзу қилиб, куйиб-ёниб ва ҳатто жон фидо қилиб, охир-оқибат қон-қора қақшаб қаро ерга кетганлару, ниҳоят, бугун мустақиллик эълон қилинганида бутун олам жим-жит. Бирон бир одам наъра тортиб, ҳайқириб кўчага чиқмаса-я! Ёки ҳамма эсанкираб қолдими? Унда нега ўзинг ҳайқириб кўчага чиқмадинг? Уялдинг, кўпчиликдан андиша қилдинг, шундайми?.. Шундай! Лекин, барибир, бу кун — улуғ кун. Ахир, Чўлпон орқа миясига тўппонча қадалган сўнгги онларида, наҳотки, шу кунни ўйламаган бўлса? Ўйлаган, ҳатто вақти келиб Ватани озод бўлишига, халқи уни қайта-қайта ёдга олишига ишонган. Йўқ, бу шунчаки чиройли гаплар эмас. Акси бўлса, ўшандай таҳликали замонда одамнинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқи сариқ чақачалик қийматга эга бўлмаган қаро кунда нега энди у эрк ва озодлик ҳақида ёзган? Янаки маҳорат билан баралла ёзган. Чунки ҳамма замонларда ҳам миллатнинг чин мардлари ана шундай яшашган. Улар тақдирлари не билан интиҳо топмоғини жуда яхши билганлар, лекин чекинмаганлар. Шундайлар борлиги учун ҳам ватан бор, ўзбек деган миллат бор бу дунёда. Демак... Демак, ватан учун ўлимга тик боқиш, жондан ҳам кечиш мумкин — бу имконли. Пиёлага бир қараб қўйди-да, помидорга қалампирни қўшиб оғзига солиб чайнади. Қалампир жуда аччиқ экан, оғзи ёнди. Бир-икки "куҳ-куҳ"лади-да, кўзларини юмиб, бурнидан нафас олганча хийла турди. Сўнг ҳалитдан бери бўғзида қалқиётган нарса тили узра кўчиб, оғзида чучмал таъм ҳосил бўлди. Аввалига бетоқатларча у ён-бу ёнига аланглади, гўё ҳозир кимгадир ёки нимагадир кўзи тушадию андармон бўлиб, ҳоли ўзгаради ва... Йўқ, ўзгармади, жилмаймоқчи эди, юзи бужмайиб, аянчли тус олди, кейин эса кўзларидан ёш отилди.

— Биз етдик шу кунларга, Чўлпон бобо, биз етдик!.. — Тишлари орасидан шу сўзлар отила, чийиллаб йиғлаб юборди.

Ўтиришга ҳам ҳоли келмай, ўзини тўшакка юз тубан ташлаб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлайверди. Тўлиб турган эканми, юз-кўзи, қўллари, кўйлаги бир пасда жиққа ҳўл бўлди. У қувончдан, айни дамда ўтмишдаги ўзи билган, аянчли тақдирлари ҳақида китобларда ўқиган улуғ миллатпарварларни эслаб, ўкиниб-ўкиниб бўзларди.

Шу пайт тўрт яшар ўғли тайтанглаб остонада пайдо бўлди. Бироқ у боласини сезмади. Болакай дадасининг елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаётганини кўриб, ҳайратланди. Аста бориб ёнига ўтирди-да, бошига қўлини қўйди.

— Мимага йилаяпсиз, дада? — деди ростмона юпатгиси келиб. — Тим уйди?

У бошини кўтариб, қайриларкан, шошиб кафти билан кўз ёшларини артишга уринди.

— Ие, телинг-телинг, Мийзо Бобуй! — туриб ўтирди, ўғлини бағрига олди. Сўнг бурнини кетма-кет тортиб, бир хўрсиниб қўйди. — Шу десангиз, ватанимиз мустақил бўлди-да, ўғлим.

Ўғли жажжи бармоқлари билан унинг юз-кўзларини силаб, мудом қалқиётган кўз ёшларини артди.

— Асинга (ўшанга) йилаяпсизми? — сўради кейин дадасининг кўзларига жиддий тикилиб. — Уната (унақа) бўша (бўлса) айтаман, энди муштақил бўмайди, бўптими? Йиламанг!..

У қаҳ-қаҳ отиб юборди, ўғлини маҳкам қучоқлади.

— Йўқ, ўғлим! Илоҳи, мустақиллигимиз рост бўлсин, абадий бўлсин! — дея меҳр ила юз-кўзларидан ўпди...

Эртасига — 1 сентябрь куни болалару ўқувчилар одатдагидек мактабга ошиқдилар. У ҳам қадрдон мактабига гўё учиб борди. Ўқитувчилар хонасига кирдию қўлларини баланд кўтариб, салкам ҳайқирди:

— Мустақиллик муборак, биродарлар!

Мактабга ундан олдин келган, айлана стол атрофида бири гаплашиб, бирови нималарнидир ёзиб ўтирган ўқитувчилар унга бирдан ҳайрат тўла нигоҳларини қададилар. Ё кўпчилиги бу хушхабардан бехабар эдилар ёки эшитган бўлсалар ҳам шунчаки гапдек қабул қилгандилар.

— Аввал салом беринг, мулло, — деди юқорида ўтирганлардан бири.

У шошиб салом берди, сўнг,

— Энди табрикласам майлими?

Ахир, ватанимиз мустақил бўлди, акалар, опалар! — деди бўйнини чўзиб юборганидан кекирдаги тепага-пастга югуриб.

Яна ҳамма жим. Шунинг устига директор кириб қолди.

— Нима гап? Нега бўғиляпсиз? — сўради писандсиз унинг — ёш ўқитувчининг ёнига ўтаркан, хиёл олайиб. Ёши элликдан ошган математика муаллимидан бошқа барча директорга қараб маъноли жилмайди.

У эса тарвузи қўлтиғидан тушиб, охирги умиди етовида директорга гўё қандайдир маълумотни айтаётгандек ғўлдиради:

— Ўзбекистон мустақил бўлди, ака!..

Директор ўзига пешвоз чиққан эркаклар билан бир-бир қўл олишиб кўришгач, яна унга ўгирилди. У ҳам қўл узатганди, сўрашишга ҳам ор қилгандай қиёфада деди:

— Аввало, бу гапни қаёқдан эшитдингиз, билмадиму, — чамаси, директор кечқурун телевизор кўрмаганди. — Омма-лекин индамай кириб, дарсингизни ўтинг. Керак бўлса, тепадан топшириқ беришади.

— Балки Ленин дарси ўтарман? — дея кесатди у.

— Айтишса, ўтасизам!.. — директор чиқиб кетди.

У мулзам бўлиб, ёнбошидаги стулга беҳол чўкди.

Шу пайт дарсга чорловчи қўнғироқ чалинди. Муаллимлар бирин-кетин хонани тарк эта бошладилар.

У елкасига қўйилган қўлни сезиб, ўнг ёнига қайрилди — рўпарасида математика муаллими турарди.

— Кўп куюнманг, ука, — деди у кўзлари майин жилмайиб, салмоқли овозда. — Вақти-соати билан ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади.

У бўғилди:

— Ахир, мустақиллик!..

Муаллим унинг гапини беозорлик ила бўлди:

— Яхшиси, синфга кириб, ватан ҳақида дарс ўтинг. Балки ҳовурингиздан тушарсиз, чунки болалар сизни яхшироқ тушунишади.

Бу гап унинг қалбидаги чўғни оловлантирди.

— Тўғри айтасиз, — деди ўрнидан тураркан, кўзлари чақнаб. — Раҳмат сизга, домла!

Шовқин-сурон, қий-чувга тўлган синфхона муаллимни кўриб, шашти пасайди. Бир-биридан чиройли турфа либослардаги болаларнинг кўзлари лов-лов ёнарди. Тўққизинчи синф — қизларнинг ҳуснига ҳусн, йигитчаларнинг савлатига савлат қўшилиб қолгандай.

У салом-аликдан сўнг эълон қилди:

— Болалар, бугун мустақиллик дарсини ўтамиз.

Хона лаҳзалик жимликка чўмди.

— Ўзбекистон мустақил бўпти-а, домла, кечқурун дадам айтди, — деди орқароқда ўтирган қизалоқ.

Унинг бағрини қувонч сийпалаб ўтди — ҳайрият, болалар ҳам эшитишибди.

► 5

# БИРОР ЖАМИЯТ ВА МИЛЛАТ ЎЗ ПЕДАГОГИКАСИДАН ЮКСАК БЎЛОЛМАЙДИ



## Педагогика фанлари доктори, профессор, адабиётшунос олим Қозоқбой ЙЎЛДОШ билан суҳбат

**– Бир қарасангиз, адабиёт қўллаб-қувватланаётгандек, бир қарасангиз, эътиборсиз қолаётгандек туюлади...**

– Кишини ўйлашга мажбур қиладиган гап айтдингиз. Ҳозир “адабиётга эътибор” деган тушунча ғоят кенг қамров касб этгани, ҳаётга кўчаётгани, амалий ифодасини топаётгани ва ёш ижодкорлардан тортиб кекса ёшдаги адибларгача бу эътибордан баҳоли қудрат баҳраманд бўлаётганини кўриб турибмиз. Лекин адабиётнинг энг муҳим ва қудратли эътибор бергувчиси, қўллаб-қувватловчиси ўқирман бўлиши керак, деб ўйлайман. Бу қўллаб-қувватлаш янги нашр этилаётган бадиий китобларни сотиб олиш, ўқиш, уқиш ва уққанларини ўз ҳаётига татбиқ этишда кўринади. Халқи томонидан ўқилиб, муносабат билдирилаётган адабиёт чинакамига қўллаб-қувватланаётган адабиёт бўлади. Одамлар ўқимаса, ундай адабиётни қўллаб-қувватлаш билан узоққа олиб бориб бўлмайди. Биз ҳозир бадиий асар ўқимаган одамлардан ёзғиряпмиз. Лекин уларда китоб ўқишга ички эҳтиёж уйғотишнинг йўлини тополганимиз йўқ. Одамларга китоб керак бўлса, топиб ўқийди. Бир вақтлар китоблар талаш бўларди, уни олишга узундан-узоқ навбатга туриларди, ёзилиб, пулини тўлаб қўйиб ойлаб кутиларди. Энди ўқиш керак бўлмаётгандирки, уйига олиб бориб берилса ҳам ўқимаяпти. Ёки китоб ўқигани учун тақдирланишини кутяпти. Бу жуда ғалати ҳолат...

Лекин умидсизликка ўрин йўқ. Кузатишимча, миллатдошларимиз секин-аста китобга қайтаяпти, бадиий асар ўқишга тутинишмоқда. Тўғри, кўп йиллар аввалгидек қаркин(суръат)да эмас, аммо орада муайян муддат ҳукм сурган ўлик мавсум босиб ўтилгандай, гўё. Бу борада китоб ўқишни кўпайтириш, китобхонлик маданиятини ошириш борасида ҳукумат миқёсида амалга оширилган изчил тарғибот ҳам улкан аҳамият касб этганидан кўз юмиб бўлмайди.

Энди адабиёт ривожига ҳукумат даражасидаги эътибор масаласига келсак, биласизки, оламдаги ҳар қандай нарса-ҳодисага муносабат азалдан ҳар кимда ҳар хил бўлиб келган. Фридрих Нитцшенинг: “Очунда менинг тасаввурларимдан ўзга нарса йўқ”, дегани бежизга эмас. Шу маънода адабиётга эътибор турли кишиларга турлича кўринаётгани ҳам табиий. Баҳраманд бўлаётганлар учун бу эътибор чиндан ҳам бор, ундан четда қолаётганлар учун эса, табиийки, йўқ. Эътибордан ташқарида қолаётган кишини бошқа бировнинг эътибор кўраётгани қониқтирмаслиги бор гап. Барчанинг кўнглини бирдай олиш эса имкондан ташқаридаги юмуш. Холисона айтганда, адабиётга, айниқса, адабиётчиларга кўрсатилаётган эътибор ортиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин бу эътибордан қандай фойдаланилаётгани бошқа масала. Шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар шу катта эътиборга яраша асарлар тақдим этишмаяпти, дейиш ҳам инсофдан бўлмас. Воқеа бўладиган яхши асарлар яратилмоқда. Миллат ҳаётидаги муҳим ҳодисаларни одамлар руҳияти призмасидан ўтказиб тасвирлаш тажрибаси юзага келди. Тарих ва бугуннинг ҳодисаларига янгича назар, мумтоз адабий анъаналар ва чет эл адабиётидаги илғор тажрибалардан ижодий фойдаланишга уриниш кучайди.

**– Сиз адабиётнинг жамиятдаги бугунги ўрни ва аҳамиятини қандай белгилаган бўлардингиз, аслида адабиёт жамиятда қандай мавқеда, нимадан олдин, нимадан кейин бўлиши керак?**

– Инсоният ўз тараққиётининг шундай босқичига келдики, эндиликда уни фақат тафаккур ва маънавий етукликкина чинакам қудратли қила олади. Тафаккур тоза руҳиятга эш бўлгандагина эзгулик касб этади. Тоза руҳият эса ўзгаларни англаш, туйиш, яъни эмпатия орқали юзага келади. Ўзгаларни туймоқ ва англамоқ хусусияти одамда бадиий адабиёт воситасидагина шакллантирилиши мумкин. Адабиётнинг жамият ҳаётида қайси ўринда туришини мана шу ҳолат белгилайди. Яъни миллат маънавиятининг қандайлиги кўп жиҳатдан айнан бадиий адабиётга боғлиқ.

Менинг назаримда, бадиий адабиётга оммани мавсумий тадбирлар орқали қизиқтириб бўлмайди. Кишида маънавий юксалишга ички эҳтиёж бўлганда кўркам адабиётга зарурат туяди. Ички эҳтиёж эса одамда ўз шахсига ҳурмат ва эътибор пайдо бўлганда юзага келади. Ҳозирча бизнинг жамиятда моддий эҳтиёжларни қондиришга интилиш устувор, кун келиб маънавий-руҳий эҳтиёжлар олд планга чиқади, деб ўйлайман. Чунки моддий эҳтиёжлар қондирилгач, табиий равишда, одамда маънавий юксалишга, руҳий тозаришга, сезимлар ингичкалигига интилиш пайдо бўлади.

**– Сиз кўп йиллар мобайнида ўрта мактаблар учун ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш амалиёти билан шуғуллангансиз. Айтинг-чи, бугунги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси қандай бўлиши ёки қандай бўлмаслиги керак?**

– Ижтимоий ҳаётнинг бир ҳақиқати бор: бирор жамият ва миллат ўз педагогикасидан юксак бўлолмайди. Чунки миллат ва жамият педагогиканинг меваларидир. Меванинг қандайлиги эса оғочига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқитувчи миллат тақдирини ҳал қилувчи сиймо ҳисобланади. Бугунги филолог ўқитувчи кўркам адабиётни севадиган, асл бадиий асарни шунчаки яратилган битиклардан фарқлайдиган, адабиётнинг қонуниятларидан хабардор, адабий жараёндаги етакчи тамойилларни биладиган, кўркам сўзнинг жозибасини ҳис қиладиган, тинимсиз ўқиб борадиган, энг муҳими, болаларни яхши кўрадиган мутахассис бўлиши керак. Адабиёт сабоқлари зинҳор тест топшириқларини бажариш ёки қандайдир бошқа ўткинчи мақсадларга хизмат қилдирилмаслиги керак. Адабиёт дарслари руҳият ва кўнгил сабоқлари бўлиши, ўқувчиларнинг туйғуларини нозиклаштириш, уларнинг ингичка сезимларни илғайдиган, хаёлотининг парвози баланд, эркин фикрлайдиган шахслар бўлишига қаратилгандагина кутилган самарани беради.

Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг қандай бўлмаслиги ҳақидаги сўровингизга эса улар ҳозиргидай бўлмасликлари керак, деб жавоб бериш мумкин. Кўпинча жамиятда ўқитувчининг обрўсини ошириш керак, деганга ўхшаш гаплар юради. Бирор-бир мутахассиснинг ойлигини ошириш, мукофотларини кўпайтириш, имтиёзларини орттириш мумкиндир, лекин обрўсини ошириб бўлмайди. Обрў, қандай касбдалигидан қатъи назар, ҳар бир одамнинг ўзи томонидан қозонилади.

**– Бир қоида бор: ўқитувчининг ўзи ўқиган бўлиши керак. Шундай экан, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари қандай ўқитилиши, қандай тайёрланиши лозим, деб ҳисоблайсиз?**

– Ўқитувчининг ўқимай қўйиши – ҳеч нарса билан изоҳлаб ҳам, тушунтириб ҳам, оқлаб ҳам, кечириб ҳам бўлмайдиган ҳолат. Афсуски, бу ҳолат бугунги кунда жуда кенг ёйилиб, одат тусига кириб қоляпти. Тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлишга интилган талабгорлар, менингча, албатта, оғзаки имтиҳон топширишлари керак. Бу имтиҳон талабгорнинг билимидан ташқари, бўлажак ўқитувчининг кўриниши, нутқининг нуқсонсизлиги, болага муносабати сингари жиҳатларни баҳолашни ҳам ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, олий мактабда талабанинг бўлажак мутахассислигига бевосита тегишли бўлмаган фанларга мутлақо вақт сарфланмаслиги, ихтисослик фанлари эса жуда чуқур ўқитилиши зарур.

**– Сиз таълим масканларида адабиёт фанини ўқитиш бўйича дарслик яратган олимсиз. Ахборот ва фикр ҳаракати тобора тезлашиб бораётган бугунги кунда адабиёт дарсликлари қандай бўлиши керак?**

– Адабиёт дарсликлари ўқувчиларни бадиий асар юзасидан мустақил фикрлашга йўналтирадиган бўлиши керак. Дарслик муаллифлари адабий таълимнинг барча босқичларидаги дарсликларда ўргатилаётган бадиий асарни таҳлил қилишга қаратилган мақола ёзмасликлари, бадиий матн ўқувчилар томонидан мустақил идрок этилиб, ундан мустақил хулоса чиқаришга йўналтирилиши зарур. Бунинг учун дарсликдаги савол-топшириқлар асар воқеаларини эслатишга эмас, балки матн моҳиятини англашга, бадиий сўз жозибасини туйишга қаратилган концептуал характерга эга бўлиши зарур. Бир вақтлар битта шундай дарслик яратилган эди. Мавжуд қолиплардан чиқа олмайдиган айрим кимсаларнинг дарслик бундай бўлмаслиги керак, тарзидаги иддаоси сабаб ундан воз кечилди.

Мактаб “Адабиёт” дарсликларига адиб эмас, асар танланиши керак. Негаки, мактаб адабиёт дарсликлари филолог мутахассис тайёрлашга эмас, маънавияти етук инсон тарбиялашга қаратилади. Шунинг учун ҳам бадиий асарлар орасидан муайян ёшдаги ўқувчиларда муайян маънавий сифатларни шакллантиришга хизмат қиладиган асарларгина дарсликка киритилиши зарур. Дарсликка олинган асарнинг бадиий ҳамда тарбиявий хусусиятларга эгалиги устувор аҳамият касб этади. Ҳатто ўқувчиларда муайян эзгу, ахлоқий сифатларни шакллантиришга хизмат қиладиган биргина асар ёзган адибнинг ўша битиги ҳам дарсликдан ўрин олишга ҳақли. Асарининг дарсликдан жой олиши ижодкор учун имтиёз ҳам, унинг адабий мавқеини билдирадиган кўрсаткич ҳам эмас. У тамомила ўзига хос педагогик юмушдир.

Яна бир мулоҳаза: мамлакат мактабларида турли дастурлар асосида яратилган турли вариантдаги “Адабиёт” дарсликлари бўлиши керак. Шунингдек, турли синфлардаги дарсликларнинг турли муаллифлар эмас, балки барча синфлар учун синовлардан ўтган ишончли бир муаллиф ёки битта муаллифлар гуруҳи томонидан яратилишини йўлга қўйиш зарур. Бунда бир хил ёндашув бўлишига эришилади, дарсликни ўзлаштириш осонлашади.

**– Ижодий соҳаларга ҳам кириш имтиҳонларининг тестлаштирилгани тўғри деб ўйлайсизми?**

– Шахсий манфаатнинг аралашуви ҳар қандай гўзал ниятни йўққа чиқариб, ярамас ҳолатга келтириши мумкин. Шу боис ҳозирча тестни керакли тадбир сифатида қабул қилишга мажбурмиз. Лекин юқорида айтилганидек, ижодий соҳаларда истеъдод даражасини аниқлашга доир қўшимча синовлар киритилиши лозим. Бундай қўшимча синовларда талабгорнинг фақат билими эмас, балки муайян касбга жисмоний-маънавий жиҳатдан мос келиши ҳам кўзда тутилиши зарур.

**– Адабий танқидчиликнинг бугунги ҳолати бўйича нималар дея оласиз? Балки бора-бора – китобхоннинг бадиий диди, тафаккури юксалгани сари, эҳтимол, адабиётшуносликнинг адабий танқидчилик соҳаси керак бўлмай қолар?**

– Адабий синчиликнинг бугунги ҳолати мақтанарли эмас, аммо кўзёш тўкадиган даражада хароб дейиш ҳам инсофдан бўлмайди. Миллий адабиёт тараққиётининг шиддати олдида синчилик бир қадар сустлик қилаётгани, олдинги даврлардагидай тезкор бўлолмаётгани бор гап. Лекин синчиларимизнинг бадиий асарга ёндашиш, ундаги ютуқ ва етишмовчиликларни илғаш ҳамда кўрсатиш борасида салафларидан бир қадар илдамлаб кетгани ҳам чин. Инсоф билан айтганда, ўзбек синчилигининг мавжуд бўлиб турганининг ўзи таҳсинга лойиқ. Бугунги синчи на шуҳратга, на моддий ва маънавий рағбатга эга бўлмагани ҳолда фаолият кўрсатаётирки, бунинг учун уларга раҳмат дейиш лозим. Тирик вужуднинг мавжуд бўлиши учун озиқ кераклиги маълум. Синчиликни озиқлантирадиган бирор манба йўқ-ку жамиятимизда. Дейлик, сиз берган саволларга жавоб бериш учун мен яқин бир ой вақт сарфладим. Лекин газетангиз мени нима билан рағбатлантиради?

Синчиликнинг керак бўлмай қолишига эса ишонмайман. Чунки ёзарман билан ўқирман ўртасида ҳамиша бир воситачи бўлиши лозим. Жамиятнинг тафаккури қанчалик юксалмасин, ижодкорнинг эстетик қарашлари жамият аъзоларининг барчасига ҳам тушунарли бўлавермайди. Бизнинг бугунги жамиятнинг бадиий савиясини-ку асло юксак деб бўлмайди. Юксак фикр ва нозик туйғулар доимо илмий изоҳга муҳтож бўлади. Яхши битикнинг яхшилигини таъминлаган омиллар, ёмон битикнинг ёмонлиги сабаблари илмий изоҳланиши керак. Лекин бундан буён синчиликнинг фикри ўқирманлар учун ҳукм бўлолмаслиги аниқ. Чунки миллат борган сари ўз диди ва фикрига эга шахслардан иборат бўлиб бормоқда. Шу сабаб эндиликда оммавий шуҳрат қозонадиган асарлар яратилишига унчалик ишонмайман.

**– Адабий танқид – янги ғоя, янги фикр дегани. Ҳозирги кунда ана шу янги ғоя, янги фикр яратилаётган бадиий асарларнинг олдида эмас, ортидан бораётгандек туюлади. Нега шундай?**

– Адабий синчилик – йўл кўрсатувчи эмас, балки саралаб, баҳолайдиган ҳодиса. Ижодкорга йўл кўрсатишдан зарарлироқ тутум йўқ асли. Унга халақит бермасликнинг ўзи – етарли. Йўлини ўзи топа билгани учун ҳам у ижодкор шахс ҳисобланади. Саралаш ва баҳолаш учун эса олдин сараланадиган ва баҳоланадиган нарса-ҳодиса мавжуд бўлиши керак. Шунинг учун синчиликнинг бадиий асарлар ортида бораётганидан эмас, адабий жараёндан орқада қолиб кетаётганидан нолинган маъқул.

**– Адабиётимизда, кўпчилик хоҳлаганидек, замон қаҳрамони сиймоси яратилмаётганининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Замон қаҳрамони нега керак ўзи?**

– Бир замонлар жаноб Лермонтов киноя билан яшашдан тайинли мақсади йўқ Печорин сиймоси бош қаҳрамон қилиб тасвирланган асарини “Замонамиз қаҳрамони”, деб номлаган эди. Адиб нега яшаётганини билмайдиган кимсани замон қаҳрамони, дея киноя қилганди. Кинояни унчалик ҳам англайвермайдиган коммунистик мафкура буни жиддий адабий талабга айлантирганди. Муайян замонда яшаган одамларнинг хусусиятларини ўзида жамлаган битта адабий қаҳрамон бўлиши мумкинлиги ва кераклигига ишонмайман. Адабий қаҳрамонлар бетакрорлиги, фақат ўзига хос шахсиятга эгалиги билан қимматли. Барчасини битта одамда ифодалаш мумкин бўлган жамият жуда ачинарли кўринади менга. Ҳар қандай жамият ва миллат бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган ҳар хил шахслардан иборат экани билан гўзал ва қимматли. Шу сабаб адабиётдан йўқ ва бўлмайдиган замон қаҳрамонини кутиш керак эмас, деб ҳисоблайман.

**– Сизнингча, XX ва XXI асрларда миллий адабиётимизда яратилган қайси асарлар кейинги юзйилликларда ҳам ўқилади?**

– Бундай асарлар саноғини келтиришни газетангиз ҳажми кўтармайди, деб ўйлайман. Саводли ўқирман бугун роҳатланиб ўқийдиган ҳамда унинг туйғуларига таъсир кўрсатадиган барча асарлар кейинги юзйилликларда ҳам ўқилиши керак ва мумкин. Лекин урпоқларимиз бунга вақт ва истак топа олишармикин?

**– Жамиятда китобхонликнинг ўлчов ва меъёри борми? Китоб ўқишдан келадиган маънавий озуқани берадиган манбалар тўхтовсиз кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда замон ёшларининг китобхонлиги қай даражада бўлиши лозим, деб ҳисоблайсиз?**

– Эндиликда ўқимасдан юксалиб бўлмаслиги – исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Фикран ва руҳан юксалишни истаган миллат бадиий асар ўқишга юз бурмаслиги мумкин эмас. Сиз айтган ўша тўхтовсиз кўпайиб бораётган манбалардан ҳам инсоннинг ақли ва маънавиятини юксалтирадиган нарсаларни танлаб ўқий билиш лозим бўлади. Ҳозирги ёшларнинг қандайдир танловда ютиб чиқиб, бир нарсали бўлиб қолиш учун эмас, балки завқ олиб, роҳатланиш учун китоб ўқийдиган вақти узоқ эмас, деб умид қиламан. Жамиятимизда ўқирманлик даражаси юксалгани сари жуда кўп маиший-ташкилий муаммолар ўз-ўзидан барҳам топиб кетади. Негаки, тоза руҳиятли, маънавияти баланд одам тубан ишлар қилишни ўзига эп кўрмайди. Тубан ишлар бўлмагач, жамиятда муаммо камаяди. Маънан ва руҳан тозаришга эҳтиёж сезган миллат бадиий асар ўқишга ҳам зарурият туяди. Шундай кун келишига ишонаман.

**– Бугун баъзан соҳада олиб борилаётган ишларни кузатиб, нима, ҳаммани бирваракайига шоир ёки ёзувчи қилмоқчимизми, деб ўйланиб қоласан, киши. Бундай қамров, ҳаммабоплик адабиётнинг фойдасига “ўйнайдими”, зараригами?**

– Бу саволингиз одамни жуда ўйлантиради. Тўғри, ўқиб ижодкор бўлиш мумкин эмас, лекин ўқимай ҳам ижодкор бўлиш имконсиз. Турли ижод мактабларининг очилиши – бирорта ҳам истеъдод эгасининг эътибордан қолиб кетмаслигини исташ натижаси. Аслида-ку чин истеъдод айнан ҳар қандай тўсиқларни енгиб, ўзига йўл топа олиши билан истеъдод саналади. Лекин истеъдоднинг қулай муҳитга тушиб қолиши унинг эртароқ бўй кўрсатиши, узоқроқ ва самаралироқ фаолият кўрсатишига имкон бериши ҳам бор гап. Шу маънода турли ижод мактабларининг очилишини ҳаммани ижодкор қилишга эмас, балки кўпчиликни юксак ижод намуналарини англайдиган қилишга интилиш меваси дейиш мумкин. Ижод мактаблари ёшларимизни ўз имкониятларига инсоф билан холис баҳо беришга ўргатар, деб умид қиламан.

**– XX асрда миллий адабиётимизнинг асосий мақсади ва вазифаси миллат ва Ватан мустақиллигини қўлга киритишга, жорий юзйилликнинг бугунги кунигача мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилди. Нима деб ўйлайсиз, XXI асрда – бундан кейин адабиётнинг мақсад ва вазифаси нимага қаратилиши керак?**

– Йигирма биринчи юзйилликда ўзбек адабиётининг вазифаси шу асрда яшаган турли-туман ўзбекларнинг кўнгил ҳолати ва руҳиятидаги универсал қирраларни бетакрор йўсинда тасвирлашдан иборат бўлса керак, деб ўйлайман. Шунингдек, бу давр адабиёти ўзбекнинг ўхшашсиз миллат эканини кўрсатадиган, миллат аҳлининг шаъни, қадри ҳамда ўрни юксак бўлишига интиладиган фарзандларини тарбиялашга хизмат қилиши керак.

**– Кейинги даврда миллий адабиётимизга жаҳон адабиётидан янги метод ва услублар, янги ғоялар кириб келдими, бунинг натижасида адабиётимизда қандайдир илғор сифат ўзгаришларини кузатасизми?**

– Бугунги кунда ўзбек адабиёти очун адабиётининг ажралмас бир бўлаги экани чинакамига англаб етилди. Шундан келиб чиққан ҳолда очун адабиётидаги турли-туман шаклий-мундарижавий изланишлар бизнинг адабиётимизга ҳам кириб келмоқда. Бугунги адабиётимизда инсон фақат меҳнат қиладиган ва муайян ижтимоий қатламга мансуб яратиқ сифатида эмас, балки бетакрор ўзига хос хусусиятларга эга шахс тарзида кўрсатилаётгани; одамнинг табиати қатъий ва ўзгармас нарса эмас, балки вазият ҳамда кайфият тақозосига кўра турли эврилишларга йўлиқиши мумкин бўлган тушунча экани акс этган асарлар кўпайиб бораётгани ана шу таъсирлар натижасидир.

Айни вақтда бизнинг ижодкорларимиз ҳам етарлича тизимли ва кўламдор бўлмаса-да, очун адабий кечимига таъсир кўрсатмоқда. Шоир-ёзувчиларимизнинг битиклари Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Тожикистон, Ҳиндистон, Белорусь, Россия, Англия, Франция, АҚШ сингари мамлакатларда чоп этилаётгани адабиётимизнинг ўзга халқлар адабий ижодига таъсир кўрсатаётганини билдиради. Бу таъсир сиртдан сезилмаслиги мумкин, лекин шаксиз, шу жараён кечмоқда.

**– Бугунги кунда адабиётимизда мавжуд, лекин зудлик билан тузатиш зарур бўлган энг муҳим ўнта муаммони санай оласизми?**

– Адабиётни маиший манфаатларга хизмат қилдиришга уринишдан; танилиш, кўзга ташланиш қуроли қилишдан; маддоҳлик воситасига айлантиришдан; илинжга хизмат қилдиришдан; сўзга бепарволикдан; адабий ёлғончиликдан; бир-бирини ўқимасликдан; кўролмасликдан; ўзгани тан олмасликдан; тарқоқликдан қутқариш энг муҳим юмушлардир.

**– Бугун ёзилаётган асарлар қай даражада миллий, қай даражада умуминсоний бўлиши керак, бунинг пропорцияси борми, ахир, бу миллий адабиётимизнинг жаҳонга чиқиши билан боғлиқ эмасми?**

– Бугун ўзбек адабиётида яратилаётган ҳар бир асар тўла даражада миллий бўлиши керак. Бу сўзсиз бажарилиши керак бўлган талаб. Аслида-ку, бу битиклар ўзбек тилида яратилганининг ўзи билан бир қадар миллий ҳисобланади. Лекин унда ўзбекнинг руҳияти, кайфияти, минази ҳам ёрқин акс этгандагина том миллий адабиёт юзага келади. Дунё бизда бизни, яъни ўзбекни кўрмоқчи бўлади. Тўғри, ўзбек ҳам бир одам ўлароқ бир дунё умуминсоний хусусиятларга эга. Аммо бу универсал жиҳатлар айнан бизнинг ўзига хослигимизда намоён бўлсагина қизиқарли. Чинакам миллий адабиёт ана шу чигал ҳолатни ўзида уйғунлаштира билади.

**– Яқин ва узоқ келажакда дунё адабиёти ва миллий адабиётимизда қандай тенденциялар, услублар етакчилик қилади, деб ўйлайсиз?**

– Дунё адабиётини ва ундаги тенденцияларни яхши биламан, деб айтолмайман. Айниқса, очун адабиётининг бугунги қаркини башорат қилишда эҳтиёт бўлишга ундайди. Ҳар ҳолда постмодерн дунёда постмодерн адабий уринишлар етакчилик қилса керак. Яъни адабиётга ҳам фақат истеъдодлар яратиши мумкин бўлган ҳодиса, деб эмас, балки оммавий маданият каби оммавий адабиёт тарзида қараш кучаяди. Такомиллашган поэтик машиналар яратилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Ўзбек адабиётида эса, ижодкорлардаги ички цензура, хавотир йўқолиб кетади, ижодкорлар нимани ёзмасликни эмас, балки фақат қандай ёзиш кераклигини ўйлайдиган бўлишади. Демакки, қўрқувдан қутулинади. Қўрқмай ёзган ижодкорларнинг бадиий кашфиётлари мўл бўлади, албатта.

**– Давр ўзгарувчан, инсон фикри, қарашлари, туйғулари ўзгариб, янгиланиб боради – ўзи ҳам. Бунга, албатта, ҳаётда рўй бераётган воқеалар ҳам таъсир қилади. Ўзгаришлар шароитида бутун дунёда одамларда ватанпарварлик туйғуси сусайгандек туюлмайдими ёки аксинча кучаймоқдами? Ўзбек азалдан юртпарвар эди. Бугунги ўзбек-чи? У эртага қандай бўлади? Ватанпарварлик ўзи нима? У қандай бўлиши керак?**

– Бу дунёда тинимсиз ўзгаришлардан бўлак ўзгармас нарса йўқ. Борлиқдаги, фикрдаги, ҳаётдаги ўзгаришлар ҳар битта одам маънавиятию руҳиятига ҳам, бутун бир жамият ахлоқий қиёфасига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Глобаллашув шароитида ер юзи кичрайди, одамнинг ўз туғилган масканига жуғрофий боғлиқлиги кескин камайди. Олдинлари одам фақат ўз юртининг одами бўлса, бугун тобора бутун ер юзининг одамига айланиб бормоқда. Бундай шароитда одамнинг отамаконга боғлиқ туйғуларида ҳам бир қадар ўзгаришлар бўлиши табиий. Глобаллашган даврнинг одамидаги ватаний ахлоқда ҳам бир қадар сусайиш кузатилмоқда. Бу фақат моддий етишмовчилик туфайли эмас, балки бугунги одам руҳиятидаги ўзига хос эврилиш туфайли юзага келган ҳолат. Одам бутун ер юзини ватаним, деб қарай бошлади. Башариятда ижтимоийлашув, бир-бирларидаги ўзгачаликларга бағрикенглик билан қарай билиш фазилати шаклланиб бормоқда.

Маълумки, ўзбек – азалдан юртсуяр миллат. Халқимиз орасида: “Элдан чиқсанг ҳам юртдан чиқма”, деган мақол бежизга айтилмайди. Алпомишнинг бегона юртда қолиб кетган амакисини Бойсунга қайтариш учун етти йил зиндонда заҳмат чеккани шунчаки афсона эмас. Ўзбек яшаш қулай бўлган жойни ватан ҳисоблашдан уялади. Ҳамиша ўз ота юртини қўмсаб, унга интилиб яшайди. Шу сабаб бизда ҳалигача сал наридан келган одамга “келгинди”, деб қаралади. Ўзбек эркаги табиатан дон берган ернинг товуғи бўлишни истамайди. У “Ўзга юртда султон бўлгандан ўз юртида ултон бўлишни” хоҳлайди. Лекин бугунги одам фақат идеал орзулар оғушида яшайверадиган романтик индивид эмас. У ғирт прагматик ва амалиётчи шахс ўлароқ эртанги улкан ваъдалардан кўра бугунги кичик накдинани афзал билади. Шундай экан бугунги ўзбекдаги ватаний туйғуларнинг ҳам бир қадар эврилишга йўлиққани ажабланарли эмас. Бугунги ўзбек ватанда етарли шароит, кўпгина қулайликлар, имтиёзлар бўлишини истайди. Ва у бунга ҳақли ҳам. Бир вақтлар одамларнинг: “Ватан менга нима берди, – деб эмас, мен ватанга нима бердим?” – деб сўрашлари тарғиб қилинарди. Эндиликда: “Ватан менга нима берди?” – деб сўраш ҳам айб эмас. Адабиётимизда ҳам ана шундай одамлар образи анча чуқур ва ишонарли ёритилмоқда.

Ватан фақат жуғрофий-сиёсий эмас, балки маънавий-руҳоний тушунча ҳамдир. Ватансуяр одам учун отаюрт ўзидан ташқарида ётган тупроқ эмас, балки унинг юрагидан жой олган руҳий ҳодиса ҳисобланади. Шундай одамдагина ватанга чин муҳаббат бўлади. Ватан – шиор, чақириқ эмас, балки ғоят нозик, муқаддас маънавий тушунча. У тўғрида камроқ гап сотиб, кўпроқ иш қилиб, ватандошларнинг ҳолатини яхшилаш, турмушини фаровон қилиш йўлларини ўйлаш керак.

**– Нега бизнинг миллий алифбо борасида қатъий бир томонга ўтишимиз қийин кечди ва кечмоқда?..**

– Бирор ишга қўл урганда шу ишнинг ҳақиқатини эмас, балки унинг кимгадир маъқул келиш-келмаслиги муҳим саналганда шунга ўхшаш ҳолат юзага келади. Биздаги мутасадди шахслар муаммони тўғри ҳал қилишдан кўра уни ўзидан юқорида ўтирадиганларга ёқадиганроқ қилиб ечиш тўғрисида кўпроқ ўйлашади.

Тил – миллий руҳият қўрғони. Миллий ўзлиги бўлмаган, ўзини, демакки, ўз миллатини ҳурмат қилишга ўрганмаган кимсаларнинг тафаккур ва руҳиятлари қўрғовсиз. Уларга миллий ўзликни сақлаб қолишдан кўра, бошлиғининг ўзига бўлган ишончини сақлаб қолиш муҳим кўринади. Бундайлар миллат тақдирига таъсир кўрсатадиган улкан ва улуғ ишларга ҳам майда манфаатлар туйнугидан қарайди. Негаки, уларнинг ҳақиқати манфаати етовида бўлади.

Янги ўзбек ёзувига ўтиш шунчаки кириллдан зерикканликдан эмас, балки туркий дунё бирлиги асосидагина миллий қиёфани сақлаб қолиш мумкинлигини англаш эҳтиёжи натижаси эди. Ёзув ва товушлар бир хиллиги туркий халқларни бир-бирига яқинлаштириб, қудратли этносга айлантиришга умид қилинганди. Биз шу ўринда ҳам бошқа туркийлардан “ўзгача” эканимизни кўрсатдик. Унлилар сонини худди ўрисларникидай олтитага туширдик, миллий тилимизга ёт арабий белгиларни алифбомизда сақлаб қолдик. Шу сабаб ўзбек алифбосининг ҳозирги ҳолати бағримиздаги қорақалпоқникидан ҳам хароброқ бўлиб турибди.

**– Халқимиз табиатидаги фазилатлар ва иллатларни санаб бера оласизми? Уларнинг яхшисини кўпайтириб, ёмонидан халос бўлиш учун нималар қилиш керак?**

– Ҳар биримиз ҳам шу халқнинг бир вакили ўлароқ ўзимдаги фазилату иллатларни санаб беришимиз керак бўлади. Лекин бу юмушни холис қила олармиканмиз? **Фазилатларимиз:** ишонувчанлик, кичикфеъллик, меҳрибонлик, раҳмдиллик, яшовчанлик; **иллатларимиз:** тарқоқлик, ўжарлик, ўзи ва ўзиникини ҳурмат қилмаслик, орсизлик, кўникувчанлик, мунофиқлик, ялтоқилик, хушомадгўйлик. Бу иллатлардан қутулиш учун миллат аҳлида ғурур ва ўзига ҳурмат пайдо қилиш керак бўлади.

**– Ўзбекнинг ўқ илдизи – у нима ўзи?**

– Ҳар қандай этнос сингари ўзбекнинг ҳам ўқ илдизи унинг ғурури, ор-номуси, деб ўйлайман. Шу сифатларга эга бўлган миллат, катта-кичиклигидан қатъи назар, жаҳон айвонида ўзининг муҳташам ўрнига эга бўлиши аниқ.

**– Сизнингча, кейинги ойларнинг энг муҳим воқеаси, деб қайси воқеани айтиш мумкин?**

– Сиёсий ҳаётда Афғонистондаги вазият юзасидан бир қатор давлатларнинг безовталаниб, ҳолатни тинчлик сари ўзгартириш борасида тадбирлар белгилаш учун Тошкентга келишгани, адабий ҳаётда эса ёш ижодкорларнинг Зомин гурунгининг жуда яхши ташкил этилганини кейинги ойларнинг муҳим воқеалари сифатида кўрсатишим мумкин.

**– Шу ўринда мен жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган воқеани эсламоқчиман. Тожикистон–Қирғизистоннинг чегара ҳудудларида яшаган аҳоли ўртасида сув туфайли низо чиққани ва одамлар бир-бирини англамагани ортидан кутилмаганда қалтис вазият юзага келди. Икки давлат чегараларига икки томондан қўшимча ҳарбий кучлар, замонавий ҳарбий техника олиб келинди. Икки мамлакат ҳарбийлари бир-бири билан юзма-юз, кўзма-кўз келиб қолди. Айни мураккаб вазият бир неча кун сақланиб турди. Шундай пайтда қанчадан-қанча одамлар юрак ҳовучлаб кун ўтказганини тасаввур қилишнинг ўзи оғир.**

**Ўша кунларда Президентимиз Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари билан бир неча марта мулоқот қилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли муаммо ечим топди, юзага келган баҳсли масалани кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч руҳидаги мулоқот асосида ҳал қилишга эришилди. Мавжуд вазиятни бартараф этишда Президентимизнинг хизматлари катта бўлганини ўшанда жаҳон жамоатчилиги эътироф этди. Бу – Президентимизнинг минтақадаги обрў-нуфузи, мураккаб вазиятларда тўғри, истиқболни ўйлаб қарорлар қабул қилишининг яна бир исботи эди.**

– Ҳа, албатта.

Олдимизда Ватанимиз эгаманлигининг 30 йиллигидай жуда катта воқеа турибди! Ушбу қутлуғ сана – яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам билан барча юртдошларимизни қутлайман! Шундай кунларда эгаманлик йўлида қурбон бўлган, фидойилик кўрсатган, озми-кўпми меҳнати сингган инсонлар хотирасини ёд этиш ва улар ёдини юксак тутиш бизнинг одамлик бурчимиз, деб ҳисоблайман. Уларнинг жонли ва ҳаётий образларини турли жанрдаги бадиий юксак асарларда акс эттириш эса ижодкорларимиз олдида турган муҳим бадиий-эстетик вазифадир.

**Салим АШУР суҳбатлашди.**

# ОТАСИНИНГ БИР ЖАҲОН ҚИЗИ

**Ҳар бир киши табиий ҳиссиётлар – фарзандлик, қон-қариндошлик туйғулари билан ўзи туғилиб ўсган тупроққа, ўзига қондош инсонларга боғланган бўлади. Уларни яхши кўради, ҳурмат кўрсатади. Лекин “яхши кўриш” аталмиш ҳиссиёт ҳам бир жойда қотиб тураверадиган, ўзгармас туйғу эмас, у ҳам моддий нарсалар каби, балки ундан ҳам кўпроқ, доимий эътиборни талаб қилади.**

Одам боласининг туйғуларини уйғотадиган, кўнглини қўзғатадиган манбалардан бири, шубҳасиз, халқ оғзаки ижоди материалларидир. Чунки улар ясалган эмас, қолипларга солинмаган. Айтгувчи қандай кайфиятда айтган бўлса, шундай сақланиб қолган. Кейингилар аввалгиларига ўзидан нималардир қўшган бўлса-да, ўша қўшгани ҳам табиий, сохталикдан йироқ. Чунки айтгувчиларда “Шундай десам, бир жойга олиб бориб текширсалар, гап тегиб қолмасмикан...” тарзидаги ҳадик бўлмайди. Ҳадик, қўрқув йўқ жойда айтилган туйғулар энг рост туйғулардир ва уларнинг садағаси кетсанг арзийди.

**...Жураги тўла ўтим-а, алла,**
**Товлардаги бургутим-а, алла,**
**Эсан бўлгин, ўлмагин-а,**
**Моманг бўлар бир тутам-а, алла.**
**Ўрмондаги йўлбарсим-а, алла,**
**Қўрқиш билмас, арслоним-а, алла...**

Бундай аллалар минғирлаб айтилмайди, юрак қўшиб айтилади. Айтишларнинг илдизи юракда бўлади. Шунинг учун бепарво тингланмайди.

**Сочимнинг тилла тароғи, алла, болам, алла,**
**Боримнинг кумуш яроғи,**
**жоним болам, алла,**
**Ойисининг қўнғироғи, алла болам, алла,**
**Адасининг чақмоқ чироғи,**
**жоним болам, алла...**

Бу товушларидан муҳаббат, орзу, гўзал тилаклар учқун сачратиб турган аллаларда бир неча авлод оналарининг бақувват руҳияти бор. Беихтиёр қўшиласиз бундай аллаларга. Умуман, халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларида, жумладан, қўшиқларда ҳам халқимизнинг нақшларга тўла чиройли қалби, ҳозиржавоблиги, сўзга чечанлиги бутун борлиғи билан намоён бўлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги илм-фан ва инновациялар бўлими бошлиғи, фалсафа доктори Гулжаҳон Мардонова, ўттиз йилдан ошдики, ана шу завқли, машаққатли вазифани адо этиб келади.

Гулжаҳон юртимизнинг узоқ-яқин шаҳру қишлоқларининг деярли ҳаммасини кезиб чиққан. Бир тарафи Самарқанд, Қашқадарё, яна бир томони Хоразм, Қорақалпоғистон, водий вилоятлари... Қадим Ҳўқанди латиф, хонлар шаҳри Шаҳрихон... Уни таниганлар Ургутнинг тоғли қишлоқларида, Сурхоннинг бепоён кенгликларида кўрганлари рост. “Саодат” журналида бирга ишлаганимиз учун хушрўй, хушмуомала, кези келса, сиёсат, кези келса, илтифот билан иш битирадиган бу синглимизни яхши билардим. Имкон топди дегунча, Гулжаҳоннинг кўзларига йўл кўринарди. Ёш болаларини гоҳ сингиллари, гоҳ уйида туриб ўқиётган жиянлари, ҳамқишлоқларига ташлаб, сафарга отланарди. Бу унинг шахсий ташаббуси бўлгани учун биров унга йўл ҳақи, кундалик харажатлар ҳақини тўламасди. Ҳатто дугоналари:

– Сенга нима зарур? Нуқул зарарингга юряпсан, – дейишарди.

– Фойда ё зарари йиллар ўтиб маълум бўлади. Ҳозиргача халқнинг дилидаги хазинани тўплаб, болаларига берган одам камбағал тушганмас, – деб қўярди.

Шунда ҳам ҳисоб-китобдан гап кетаверса:

– Худо Ислом акамнинг (турмуш ўртоғи) топганларига барака берсин, – дея гапни қисқа қиларди.

Мана, анча йиллар ўтиб, Гулжаҳон ажойиб, унча-мунча одамнинг ҳавасини келтирадиган маънавий хирмон кўтарди: “Нур тўла уй”, “Алла айтай, жоним болам”, “Хушрўйлик сирлари”, “Фарзандингизга ўйинлар”, “Ўзбек халқ қўшиқлари”, “Онам айтган аллалар”, “Ори қўшиқ бўлган юрт”, “Миллий-маънавий қадриятлар ва комил инсон тарбияси”, “Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш”, “Истиқлолдан яшнаётган юрт”, “Эртага қуёш чиқади”, “Қуёшим – энам”. Санаганларимиз турли йилларда, турли нашриётларда чоп эттирилган китобларнинг номи. Бу саноққа кирмаганлари, газета, журналларда, энциклопедияларда (хорижда ҳам) чоп эттирганлари қанча!

Биз бу номларни осонгина санаяпмиз. Нафсиламрини айтганда, булар жуда катта заҳматлар ҳосиласи. Уйда ўтириб ё кутубхоналарга бориб, ўқиб, ўрганиб ёзиш бир меҳнат бўлса, қишлоғу шаҳар кезиб, одамлар ўзи учун айтган, ўзимники деб билган бойликларини ичидан суғуриб олиб, шу элга манзур қиладиган китоб тайёрлаш минг меҳнатдир. У ўрганган қадриятларни бир бор кўздан кечирганингиздаёқ ернинг майда-чуйда ташвишларидан баландлаб кетасиз.

“...Қорабайир бўйнини чўзиб олдинга шамолдай учди. Танача устига бошини қўйиб олган чавандоз:

– Жоним менинг, молим менинг, ҳолим менинг, эгангни шарманда қилмағин, айланайин тулпорим, қанотли орим, йўғу борим, сут бериб боққаним, бошига тўдона таққаним, эгангни шарманда қилмағин, – деб жониворга нола қилди.

Қорабайир унинг дардли ноласини тушунгандек бўйнидаги дўланадан тайёрланган қўтоснинг етти тешигидаги етти тусдаги ипакларга бойланган тўғдонаю тўғизкўзларини жингиллатиб учиб борарди. Кўпкари томоша қилаётганлар ичидан Бобомурод чавандознинг ҳайбаракаллачиларининг товуши эшитилди:

– Қўйманг, саркор, Худо сизга мадад берсин-ов...

– Оҳ-ҳов, Бобомурод саркор-ов...”

От ҳақида гап кетганда, Гулжаҳоннинг асарларидан бирида ўқиганим, ўқиб йиғлаганим яна бир қадрият ёдимга келди. Бу воқеа ҳам қашқадарёликлар ҳаётидан олинган. Чимилдиқ кўрмаган чавандоз йигит вафот этади. Сўнгги йўлга кузатишдан аввал унинг ҳовлисида отини куёв ўрнига ясатадилар. Устига қип-қизил ёпқичлар ташлаб, қоши кумуш эгар ўрнатиб, бошига қизил хўрознинг патларидан тож кийдиришади. Чавандоз ўрнига отнинг ясатилгани юракларни ларзага соладиган ҳолат. Бундай нарсалар фақат юракли халққа мансуб. Гулжаҳон китобларига айнан шундай, фақат бизгагина хос қадриятларни чертиб-чертиб киритар экан, кимлигимизни ўзимизга яна бир марта таъкидлагандек бўлади.

“Қиз мажлиси”, “Хино ёқар”, “Совчи кутиш” каби асрий удумларнинг нозик жиҳатлари ҳақида фикр юритар экан, буларнинг бугунги кўринишларига ҳам муносабат билдириб ўтади: “...Қанийди, қиз мажлисларида бир уй қизлар дутор чертиб, доира чалиб, қўшиқ куйласалар... Назм гулшанларидан ғазаллар ўқисалар...”, “...сингиздами, Саид Аҳмаднинг “Қирқ беш кун” романида Лутфини олиб қочиб, бир танишиникига элтган Азизхон унга тўшакни ишора қилганида, қиз қўли билан юзини сийпалаб, бошини чайқайди. Бу никоҳсиз бирга бўлиш гуноҳ, дегани эди. Бу – эътиқодга садоқат эди. Қанийди, шу йўқотилаётган эътиқодлар қайтиб келса, баъзи одамлар гуноҳ иш қилишдан чўчиб турсалар...”.

Бундай фикрлар олима бераётган этнографик маълумотларни ич-ичидан нурлантириб юборади. Гулжаҳон Мардонова болаларнинг ўйинларини эринмай, икир-чикиригача тасвирлайди: “Чағалай”, “Бургут келди”, “Занжир”... Ҳар бир тасвирни охирлатиб, “бу ўйин болаларни бирдамликка ундайди”, “бу ўйин жисмоний, руҳий чиниқтиради”, “бу ўйин қизларда адабиёт ва санъатга муҳаббат уйғотади”, дея изоҳ беради. Шу билан у тўпловчидан тарғиботчига айланади. Гулжаҳон қайси ташкилотда қандай вазифани адо этмасин, болаларини этагига солиб, елкасига опичлаб юрадиган оналардай ўзининг топган қўшиқлари, аллалари, удуму ўйинларини олиб борди. Ўзбекистон радиосида “Олтин меросимиз”, “Машъал” радиоси тўлқинларида узатилган “Умр зийнати”, “Халқ ўйинлари” эшиттириши, Ўзбекистон телевидениесида “Равзаи жаннат боғи”, “Юрак кенгликларида”, “Туйғулар жаранги”, “Халқ ўйинлари” кўрсатувлари ана шу фикримизнинг исботидир. Журналист бу эшиттиришлар, кўрсатувлар орқали атрофига кўплаб қадриятсеварларни йиғди, миллатимизнинг кўнглида илдизларига қараб меҳрли юришлар бошланишига муносиб ҳисса қўшди. “Ёшлик”, “Саодат” журналлари, Ўзбекистон радиоси, телевидениеси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги...

Албатта, ҳар бир инсон ўз истеъдоди, заҳмати, тиришқоқлиги билан ўзини ўзи яратади. Лекин наслдан берилгани бошқача. Қоннинг сўзи ўзгача сўз. Бу берилмишга Худойим аралашган. Нима демоқчиман? Олима ва ижодкордаги қадриятларга муҳаббат унга раҳматли онаси Ҳадичабону Худойқул қизи (онаизори халқ қўшиқлари, термаларининг устаси, гапининг жозибаси билан бир уй аёлни ўзига қаратиб ўтирадиган чечанлардан бўлган)дан ўтган бўлса, элпарварлик жаннатмакон отаси Омон Мардоновдан мерос қолган. Омон Мардонов Қамаши туманидаги Бадахшон қишлоғида ўтган асрнинг ўрталарида маърифатпарвар мунавварлар анъаналарини давом эттириб, ҳашар йўли билан мактаб қурилишига бош бўлган. Республика Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилиб, ўз мактаби учун инглиз, рус тиллари, математика фани ўқитувчиларини сўраб узоқ юртлардан олиб келган. Мактабда ташкил этилган устахона, иссиқхона, кўпкари отларидан тушадиган маблағлар ҳисобидан юртимизнинг турли шаҳарларида таълим олаётган собиқ ўқувчиларини – талабаларни қўллаб-қувватлаб турган. Айнан шунинг учун Гулжаҳонга отамакон бўлган бу қишлоқдан ўнлаб турли



касб эгалари, фан номзодлари, фан докторлари етишиб чиққан.

Ана шундай танти, бағрикенг инсон Омон Мардоннинг Гулжаҳон – бир жаҳон қизи шу кунларда қишлоғида Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллигига атаб мактаб тарихи музейи очиш ҳаракатида. Отаси қурдирган мактаб пойдевори устида фаолият олиб бораётган таълим масканининг йил давомида энг катта сифат кўрсаткичига эришган муаллимлари ва ўқувчилари учун бир марталик пул мукофоти (бу мукофот отаси номида) ташкил этган ҳам шу Гулжаҳоннинг ўзи. Бу ишлари билан у ҳам фарзандлик, ҳам касбий, ҳам фуқаролик бурчини бажараётгани таҳсинларга лойиқ.

Эл бошига иш тушганда барча касбдаги одамлар бирваракайига қўриқчи, соқчи, аскарга айланганидай, кейинги бир йил ичида, бутун дунёда бўлганидай, бизнинг бошимизга тушган касаллик балоси минг фидойилиги бор инсонларнинг минг биринчи заҳмат йўлини очди. Қадриятшунос олима тождор вирус туфайли юрт тараққиётининг оёғидан тортаётган, бир неча йўқотишлар билан кўнгилларимизни йиғлатган хатарли хасталик ҳақида республикамизнинг таниқли шахслари билан суҳбатлар қилди ва бу суҳбатлар натижаси ўлароқ “Эртага қуёш чиқади” китоби дунёга келди.

Аслида мен Гулжаҳон Мардонова ҳақида ушбу битикларим билан Америка очганим йўқ. Кўп йиллардан буён миллатимизнинг жон томирига туташ бўлган жабҳада фаолият олиб бораётган бу журналист ва олима ҳақида соҳанинг билимдонлари китобларига сўзбоши ёзишда, тавсияномаларда, турли давраларда кўп яхши гаплар айтишган. Мен умрининг нурли бир бекатига эътирофу эътиборлар билан етиб келаётган Гулжаҳонга меҳр изҳорларимни бир даста ҳусниюсуф (шу гулни жуда яхши кўраман, узилганда ҳам узоқ сўлимай туради) ўрнида тутар эканман, ўтган кунлар меҳнати боис уни қандай кулар юз билан кузатиб қолган бўлса, келаётган кунлар ҳам шундай кулар юз билан қарши олишини тилайман.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган**
**маданият ходими**

---

# ШУНЧАКИ ВАТАНПАРВАР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

— Ҳа, она Ватанимиз, жонажон Ўзбекистонимиз мустақил, дея эълон қилинди ва бугун илк бора Мустақиллик куни байрами нишонланмоқда, — деди у тантанавор овозда. Ўз гапи ўзига таъсир қилиб эти жимирлаб кетди.

Болалар жим.

— Нега жимсизлар? — деди энди танбеҳ бергандай. — Нега қарсак чалмаяпсизлар? Мен ўрнингиздан туриб қарсак чалишни таклиф қиламан.

Болалар гурра ўринларидан турдилар. Хона яна хиёл шовқинга тўлди. Муаллимга эргашиб ҳамма қарсак чала бошлади — биров англаб, бошқаси шунчаки шўхлиги тутганидан чалди. Бироздан сўнг қарсаклар бир маромга тушиб, ёқимли сас ҳосил қилди. У қўйиб берди, болалар шу билан ҳам мустақилликнинг қадр-қимматини англашларини истади.

— Мустақиллик нима дегани, биласизлармиРИ? — сўради у ниҳоят болалар ўтиришгач.

Кимдир «эркинлик», деди, бошқа биров «озодлик».

— Буларнинг ҳаммаси тўғри, — дея тушунтирди у. — Бироқ, мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқ дегани. Ҳа, ўқувчилар, билингки, энди биз ўзбеклар ҳам ҳақ-ҳуқуқи тикланган озод миллатмиз.

Негадир хона жим-жит бўлиб қолди. Баъзи болаларнинг кўзлари чақнай бошлаганди, наҳотки, тушунаётган бўлишса, ўйлади у.

— Бир эсланг-а, болалар, бутун инсоният тарихида ватан учун қанча-қанча одамлар жон берганлар. Ўзларининг ширин жонларидан кеча олган бу кишиларнинг ҳисоби қанчайкин? Ундай мард инсонлар бизнинг тарихимизда ҳам жуда кўпчилик. — Унинг катта-катта очилган кўзларини ўйчанлик қамради. — Айтинглар-чи, нега энди баъзилар ватан учун жонидан ҳам осонгина кечадилар?

Болалар жим. Аслида у саволига жавоб кутмаганди.

— Чунки Ўзбекистон деган муқаддас замин, яъники, ватанимиз бўлмаса, ўзбек деган миллат, яъни сиз билан биз ҳам йўқмиз. Тушунаяпсизми, йўқми? Ватан дегани — бу ота-она, ака-ука, қариндош-уруғ, ёру биродар ва ҳоказо, азиз инсонлар дегани. Демак, ватан деб жон берганлар ана ўшаларнинг тинчлиги, хотиржамлиги, озодлиги учун кафолатдирлар... Чўлпон деган шоирни биласизлар-а?

Болаларнинг бир нечасигина «ҳа», дея овоз берди.

У бир нафас дераза оша тип-тиниқ осмонга тикилди. Бу билан ё бағридаги ўтни хиёл босиб олди, ёки хаёлларини жамлади.

— Унинг шундай сатрлари бор:

**Тириксан, ўлмагансан,**
**сен-да одам, сен-да инсонсан,**
**Бўйин эгма, кишан кийма,**
**ки сен ҳам ҳур туғилғонсан.**

Чўлпон бу шеърини мустамлакачилар ватанимизни босиб турган, ҳаммаёқда қама-қама, от-от бўлаётган бир пайтда ёзган. Бу билан у ўз халқини, ватанини озодликка чорлаган. Нима, унинг жони битта эмас, ўнтамидики, ўлимдан ҳам қўрқмаган? Йўқ, унинг жони ҳам битта эди, керак бўлса, у ҳам қўрқарди. Лекин у ватанини жуда-жуда яхши кўрарди ва унинг озод бўлишини истарди. Буюк Чўлпон орзулаган кун мана энди келди!..

Танаффусда эндигина ўқитувчилар хонасига кирувди ҳамки, директор чақираётганлигини айтишди. Яна нима демоқчийкин — шу хаёл билан унинг олдига кирди. Директор қора креслосига ястаниб, чой ҳўпларди. У кириши ҳамоно ўтиришга ҳам таклиф этмай, осмондан келиб, танбеҳ беришга тушди:

— Сизга нима бўлган-а, ўзи, ука? Ҳали ўқитувчилар хонасида алламбалоларни гапирувдингиз. Энди бўлса, дарсда ғалати шеърлар ўқидингиз, болаларни қарсак чалдирдингиз. — Директор синфхона эшиги олдида анчагача гап пойлаб турганини айтмади. — Шу алғов-далғов замондан тинч ўтволайлик, жон ука!

У ҳайрон эди.

— Мени кечирасизу сизни тушунолмаяпман, домла! — қўполроқ гапириб қўйишдан қўрқиб, лабларини тез-тез қимтиб-қимтиб оларди. — Ватанимиз мустақил бўлди, ахир!

Директор пинак ҳам бузмади.

— Мустақил бўлгани яхши, мен ҳам жа-а хурсандман. Лекин юқоридан кўрсатма бўлгунча шошмай туринг-да, ука!

У директорга бир пас ҳайрат-ла тикилиб турди-да, индамай хонани тарк этди. Бораркан, талабалик йиллари ёдига тушди: университетда замонавий адабиётдан сабоқ бергувчи муаллим бор эди. (У ҳозир ҳам маълуму машҳур). Биринчи босқич талабаларини содда фаҳмлармиди ёки уларни ҳали турли «оғулар» билан «заҳарланмаган», деб билармиди, дарсларда ора-сира туйқус Чўлпоннинг шеърларини ўқиб қоларди (У пайтлар шўро аталмиш аждаҳо оғзини юҳодай очиб турган ва Чўлпон кабиларни фақатгина «хос одамлар» билгувчи даврлар эди). Унинг ниятинию ўқиган шеърларини ҳам биров ё тушунарди, ё тушунмасди. У эса аллақаердан топиб келгани машинкаланган шеърларни ўқишини қўймасди.

Шўро давлатининг таянчи ва суянчи бўлмиш КГБ (давлат хавфсизлик қўмитаси) деганларининг оёғи чаққон хуфиялари ҳамма жойда изғишарди. Айниқса, ўқув юртларида дингкулоқ эди улар. Ҳалиги чўлпонпараст домланинг ортига тушганларига анча бўлганди — буни унинг ўзи ҳам, талабалар ҳам сезардилар.

Ўша куни КГБнинг икки ходими университетда, яна айнан уларнинг факультетида пайдо бўлишди. Галдаги дарс чўлпонпарастники эди. Муаллим аудиторияга киргач, бир пас қоғозларини титкилаб ўтирди, сўнг доскага қайрилиб, алланималарни ёза бошлади. У пайт пойлаб, домланинг сумкасидан Чўлпон шеърларини олди-да, ўзи ўтирган стол тортмасига тиқиб қўйди. Адашмаган экан, орадан ҳеч қанча ўтмай, аудиторияга иккала КГБчи кириб келди. Кира солиб, на бир салом-аликсиз, домлага сумкасидаги нарсаларни чиқаришни буюришди. Домланинг ранги оқариб, ҳаяжондан қўллари қалтиради.

— Тинчликми? — деди ўзини дадил тутишга уриниб.

КГБчилардан бири гезариб, дўқ урди:

— Сумкани очинг!

Домла ҳаяжонини босиш ниятида бағоят секин ҳаракатлар билан сумкасини очиб, ичидаги китоб-дафтарларини стол устига қўя бошлади.

— Марҳамат, — деди ниҳоят ҳамма нарсасини столга қўйгач.

Чақирилмаган меҳмонлар китоб-дафтарларни бир-бир варақлаб кўришди: излаганларини топишолмади. Сир бой бермай, бироз талабаларга, сўнгра домлага синовчан тикилиб туришгач, тил учида «узр» дея, эшикка йўналишди.

— Бемалол, — деб қўйди энди домла кўкрагини кериб, хиёл масхара оҳангида.

У танаффусда шеърларни қайтариб берди.

— Биз шундай бўлишимиз керак!.. — деди муаллим кўзлари ёниб, уни бағрига босаркан...

Директор ўша замоннинг сарқити-да, деган хаёл урилди миясига синфхонага кираётиб.

— Синовли йиллар бошланди. Шунга қарамай, мустақиллик аста-секин халқ қалбида илдиз отаверди. Янги давлатнинг омборларини шип-шийдон қилиб, борини ташмалаб кетишганидан бўмбўш эди. Ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрлаштириб бериладиган бўлди...

Кейин-кейин қорин-қурсоқ ташвиши енгиллаша бошлади. У бўлса, дарсдан-дарсга тўлиб борар, берилиб, энг буюк шоирларнинг эрк, озодлик ҳақидаги шеърларини эҳтирос ила ўқиб, болаларни адабиётнинг ҳақиқий мўъжизасига ошно этар, ҳайратга солаверарди. Бу орада водий кўчаларида турфа алпоздаги шарқона либослар — чалворларни кийган ажнабий кимсалар кезиниб қолишди. Улар гоҳо диндор ниқобидаги чаламуллоларнинг уйларида, гоҳо ўша пайтларда урчиган кичик масжидларда яшаб, кечалари тез-тез даъватгир анжуманлар тузишарди. Уларнинг қишлоқ маҳаллаларидан чиққан гумашталари ҳар куни шомга яқин кўчаларда изғиб, хонадонларни чақирар, катта-кичик эркакларни масжидга чорлашарди. Масжидга чиқмаганларга гоҳо орқаворотдан пинҳона зуғумлар ҳам ўтказишарди.

Бир кеч уни ҳам чақириб келишди. Дарвозага чиқса, рўпарасида кенг бесўнақай оқ либоси устидан жигарранг адёл ёпинган саллали ажнабий билан тасбеҳ тутган бири ёш, иккинчиси кексароқ ўзимизнинг мулломонандлар туришибди.

— Масжидга чиқинг, домла, сизбоп суҳбатимиз бор, — дейишди улар.

У бунақа даъватлар ва даъватчилар ҳақида эшитиб юрарди. Шунинг учун гапни қисқа қилиб, «хўп, чиқаман», деб қўя қолди. Лекин чиқмади. Йўқ, намоз ўқишни билмагани ёки хоҳламагани учун эмас, ажнабий миссионерларнинг асл ниятларини яхши тушунганлиги учун чиқмади.

Даъватчилар эртасига яна келишди.

— Домла, нима, охиратни ўйламайсизми? — деди кексароқ муллонамо.

— Охиратни-ку ўйлайман, — босиқлик билан жавоб берди у. — Бироқ манови ажнабийлар, — у адёл ёпинган кимсага билинар-билинмас ишора қилди, — фақат охиратни ўйлармикин? Ниятлари ўзга, дин ниқоб бўлса-чи?

— Ҳай-ҳай, ундай деманг, домла. Булар дини ислом учун ҳамма нарсадан кечган, ҳижратни тутган инсонлардир. — Мулланамо сўзига салобат бахш этишга уринарди. — Бунақа гапларингиз билан куфр кетиб қолманг тағин.

Ажнабий ўзбек тилини тушунмасди чоғи, фақат тиржаярди.

— Билиб қўйинг, домла, агар масжидга чиқмасангиз, — мулланамо энди хиёл дағдағага ўтди. — Сизни биров маҳалла-кўйнинг издиҳомларига айтмай қўяди. Масжидда шунга келишдик.

Унинг ҳам қайсарлиги тутди:

— Хоҳласам, агар вақтим бўлса, чиқаман! — деди гапни кесиб.

— Ҳай, ўзингиз биласиз, — мулланамо унга бир олайиб қўйди.

Чиндан ҳам баъзилар уни маҳалланинг тўй-маъракаларига айтмай қўйишди. Мулланамо масжидда унинг номига роса маломат ёғдирганини эшитди. У барига чидади, индамай дарсини ўтаверди.

Гоҳо у ҳайратга тушиб, диққати ошарди: кечагина президент мустақилликни эълон қилганида нима бўлаётганлигини тушунмай, мум тишлаб ўтирган манови охиратталаблар ва умуман бошқа ҳокимиятга ишқибоз ўйинчилар қаёқдан пайдо бўла қолишди ўзи? Миллатнинг ор-номуси, иймони, чинакамига топталган пайтларда қаёқда эди улар?

Яхшики, тез орада даъватчиларнинг кирдикорлари фош этилиб, кўплари қочиб қолишди. Ўзимиздаги гумашталари эса пинҳона турфа оқимлар туза бошладилар. Бироқ улар ёш мамлакат оёққа туриб олганини, ўз хавфсизлигини таъминлашга қодирлигини кейинроқ англаб етдилар. Унгача...

Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида уни мактаб директори этиб тайинлашди. Ана, энди унинг «қўли ечилди», орзулари қанот ёзди. Бир неча йил ичида мактаб қиёфасини буткул ўзгартириб юборди. Қўшимча бинолар, спорт заллари қурдирди. Бир неча синфхоналарни компьютерлаштирди. Ўзи ҳам қурувчилар билан тенгма-тенг лой, ғишт ташиди. Хуллас, кечаю кундуз тиним билмай ишлади. Буёққа келишидан аввалроқ вилоят халқ таълими бошқармасига таклиф этишиб, туман халқ таълими бўлими мудирлиги лавозимига муносиб номзод эканлигини айтишди. Ўйлаб кўришга муҳлат сўради... Ўз хонасида, аввалги директорга савлат бахш этган ҳов ўша креслода ўтирволиб, анча ўйланди. Ахир, мудирликка ўтса, туман бўйича ишлаш, ватанга, халққа наф келтириш учун янада кенгроқ имкониятлар эшиги очилади-ку. Ниҳоят, бир қарорга келиб, таклифга рози эканлигини билдирди...

У пойтахтга отланаркан, бағри симсим эриб, одамларга бўлган меҳри зиёдалашаётганини ҳис этди. Адолат барқарор юртда меҳнат қилган инсон ахийри бир куни қадр топаркан. Бунинг яққол исботи — ўз тақдири. Ким эди, ким бўлди? Не кунларни кўрмади, ахир. Лекин ҳаммаси учун шукрона келтиради — ёруғ кунларга етди. Тошкентдан қайтиши билан қўшни қишлоққа янги мактаб қуриш учун ҳужжатларни тўғрилашга киришади.

Йўл-йўлакай аллақачон нафақага чиқиб, маҳалланинг обрўли оқсоқолига айланган қадрдони — математика муаллимининг олдига кириб, дуо олди.

— Мана, меҳнатларингизнинг ҳосилини кўряпсиз, иним, — деди кекса муаллим жилмайиб. — Балки кўплар бу гапни тушунмас, баландпарвоз, деб билар, бироқ сизнинг ватанпарварлигингизни кўпчиликка ибрат қилса арзийди.

— Қанақа ватанпарвар-эй, устоз, — ерга қаради у юзи қизариб. — Мен кўксимни ўққа тутмаган бўлсам.

Муаллим унинг содда ва камтарлигидан завқланди:

— Хўп, сиз ватанпарвар эмас, шунчаки ватанпарварсиз. — Сўнг елкасига қўлини қўйиб, деди: — юртбошимизга биздан салом айтинг!

Нуру зиёга йўғрилган саройнинг шифтларига тикилди: нақадар гўзал! Агар мустақиллик бўлмаса, ҳатто мана шу гўзаллик, бу муҳташам қаср ҳам бўлмасди — бу аниқ. Агар менга сўз бериб қолишса, нима дейман?..

Қалбида ширин орзиқиш жунбушга келди: тантана тугагач, ташқарига чиқади. Уни пойтахтнинг энг нуфузли ўқув юртларида ўқиётган ўғиллари кутиб туришибди. Улар билан яқингинада сотиб олган янги «Нексия» машинасига ўтиради-да, хотини билан қизига совға олиш учун бозорга жўнайди. Кейин эса юртига, қадрдон мактабига ошиқади.

Шу пайт ўзига қадалган ўткир нигоҳни ҳис этди. Ўгирилди. Президент унга майин жилмайганча боқиб турарди.

— Сиз ҳам бирон нарса денг! — деди юртбоши қалбга яқин ёқимли овозда.

Унинг юрак уриши тезлашди. Титраётган оёқларини базўр кўтариб, минбарга йўналди. Минбарнинг икки четидан тутиб, ўзини босиб олишга уринди. Бўғзи куйди, киприкларининг ости ачишди, бағри ийди. Бир амаллаб ютинди, сўнг беихтиёр томоқ қирди.

— Мен... Мен Ватанимни яхши кўраман! — Бу сўзларга қўшилиб, юраги, жони ҳам бўғзига келгандай туюлди. — Ватан учун яшайлик!..

Саройга лаҳзалик жимлик чўкди. Сўнг гулдурос қарсакларга тўлди...

## ГАЛЕРЕЯ: Француз рассоми Поль Гоген (1948-1903) ижодидан намуналар


Гул тутган аёл (1891).


Рассом оиласи билан боғда (1881).


Мушуклар ва гулдаста (1888).

МУТОЛАА

## КИТОБ ҲАМИША АЗИЗ

Китоб оламига кирар эканмиз, ҳамиша ундан эзгулик, янгилик ва мўъжиза кутамиз. Шу аснода мен йиллар давомида китобларини ўқиб келаётган истеъдодли ва заҳматкаш адиба Гулчеҳра Жамилованинг янги бир жуфт китоби билан ўқувчиларимизни кутламокчиман. Булар — “Ёруғ кун” ва “Мен борман, ҳаёт” китобларидир.

“Ёруғ кун”да биз янги ҳикоялар, қизиқ ҳангомалар, шеърлар ва эсдаликлардан баҳраманд бўламиз. Муҳими, уларнинг ҳар бири катта маҳорат билан яратилган, самимият-га йўғрилган, ўқувчи билан ҳар куни қалбан бирга бўлишга муносиб илҳом чечакларидир. Китобдаги ҳикояларда инсон ҳаёти, фикр-ўйлари, бугунги турмушимиз нафасалари, шунингдек, турли тақдирлар ва орзу-умидлар, армонлар юки, бардош ва сабр мевала-рининг бўйини ҳис этасиз. “Ота юрт шамоли”, “Чорасизлик”, “Набира”, “Умидли дунё”, “Кечириш азоби” каби ҳикоялар китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уларда бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббат, соғинч, ҳаёт мураккабликларидан ечим топиш, оқибатда, ўзлигимизни кашф этиш каби қирралар яркираб турибди.

Гулчеҳранинг навбатдаги китоби “Мен борман, ҳаёт” деб номланган. Яъни, ҳар биримиз, энг аввало, бу ҳаётда яшаётганлигимизни, ўз ўрнимиз борлигини ўзимиз англашимиз ва бунинг қадрига етишимиз зарур. Шундагина ҳаёт биздан ўз тухфаларини аямайди. “Тириклик дунёсида бор эканмиз, ниятлар эзгу, мақсадлар улкан, эртанги кунларимиз сари қўйилажак қадамимиз залворли бўлсайди, дейман. Ўзгалар учун фақат яхшилик қилмоққа чоғланиб яшасак, қалбимизнинг ич-ичлари ёришади, ўзимизни бахтли ҳис этамиз. Зеро, орамизда бундай бахтли кишилар жуда кўп”, дейди муаллиф бу китобида.

Китобхон адибанинг кузатишлари билан яқиндан танишади, унга дилдош бўлади: ҳаёт ҳикматларини тинглайди, мушоҳадаларга берилади, она юртимизнинг гўзал манзараларидан кўз узолмайди ва, албатта, ажойиб ҳикоялар, кичик қиссаларни ўқийди. Адиба “Ҳаёт ҳикматлари” деб номланган биринчи бўлимда ўзбекона феъл, урф-одат ва қадриятларни улуғлаб шундай ёзади:

“...Барча инсонларга бахт тилаб яшайдиган орзу-ҳавасли халқмиз. Ҳаётга доимо меҳр ва умид билан қараймиз. Ҳар бир кундан мўъжизалар кутамиз. Биз – ўзбеклар азалий илдизлари она заминга чуқур ботган ва тобора яшиллаб бораётган дарахтдекмиз. Беадад шукр...”.

Сўзимизни мухтасар айлаб, муаллифнинг “Мушоҳадалар”ини тинглаcак: “Кўнглимизнинг бепоён гулзори ичра турфа орзу-ўйлар ғунчалайди. Фикр бўлиб етилади. Сўз бўлиб очилади. Ундан гулдасталар саралаб, ўзга юраклар томон узатамиз. Узатаверамиз... Сўз гулзори эса беҳудуд. Зеро, гуллар орасида баъзан алафлар ўсгани каби сўзларимиз ичида дилга озор етказгувчиси ҳам бўлади. Мен фақат уларнинг яхшиларинигина танлаб олайлик, ҳар сўзимиздан гулу райҳонлар иси келиб турса, дейман. Токи шунда кўнгил ҳам осмон қадар юксалиб, ажиб муаттарликдан янада яшнок ва чароғон бўлғай”.

Сўзга муҳаббат, Сўз олдидаги масъулият, Сўздан ўз ўрнида фойдаланиш, муҳими, воқеани ўқувчига пухта, лўнда қилиб етказиб бера олиш санъати журналист Гулчеҳра Жамилованинг кўп йиллик кузатувлари маҳсули бўлмиш ҳар иккала китобда ҳам бўй кўрсатиб туради.

**Ойгул СУЮНДИҚОВА**

## НАШРИЁТ ТУҲФАЛАРИ



“Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслар” номли баёзда замондош шоирларимизнинг улуғ мутафаккир ғазалларига боғланган мухаммаслари жамланган. Ушбу хайрли ишни мумтоз адабиётимизда биринчилардан бўлиб буюк шоиримиз замондоши Амир Хусайн Бойқаро бошлаб берган эди. Мана, орадан беш асрдан ортикроқ вақт ўтибдики, Алишер Навоий адабий меросидан илҳомланган кўплаб шоирларимиз ҳамон ҳазрат ғазалларига мухаммаслар боғлашда бардавомдирлар.

Ҳозирги замон ўзбек адабиётида Ҳабибий, Ғ.Ғулом, С.Абдулла, Чустий, В.Саъдулла, Ж.Жабборов, Э.Воҳидов, Ж.Камол, А.Орипов, О.Матжон ва бошқалар бу жанрнинг гўзал намуналарини яратдилар. Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган ушбу баёзга юртимиз ва қардош элларда таваллуд топган шоирлардан 60 нафарининг мухаммаслари жамланган. Ошиқ Эркин ҳамда Янгибой Кўчқоров томонидан тўпланиб, нашр этилган мухаммаслар китоби Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб совға ҳамдир.

* * *



“Янги аср авлоди” нашриёти томонидан нашр қилинган Гулчеҳра Умированинг “Юрак тилсимлари” шеърий тўпламида шиpин орзулар, тиниқ фикрлар, инжа туйғулар ифодаси ва армонлар, фараҳбахш онлар сурури акс этган. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳар бир кунги ҳаётини шеърдан аввал мактаб маърифатига, ўқитувчиликка, айни пайтда оиласи, фарзандлари ҳузур-ҳаловатига бахшида этиб, ижодий ва касбий фаолиятда кўплаб ютуқларга эришиб, қалам тебратаётган шоира сингиммиз ижодидан сараланган бу тўпламдаги шеърлар ўз самимияти, ростгўй, ҳаётий ифодаси ва жозибаси билан азиз ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР

## «Жаҳон адабиёти»

**2021 йил июнь сони**



Журналнинг ушбу сони академик Абдулла Аъзамнинг Алишер Навоий меросига бағишланган “Аброрлар хайрати” сарлавҳали фалсафий эссеси билан очилади. Унда муаллиф улуғ шоир ижодининг кам ўрганилган айрим жиҳатларини таҳлил қилган, ўз фикр-мулоҳазаларини Навоийнинг бир неча ғазаллари қайта таҳлили орқали далиллашга интилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг халқимиз тарихий илдизларини ўрганишга қаратилган “Клеопатра” номли романида қадимги Миср ва Рим манзаралари, узок ўтмиш этник қатламлари ва халқлар ҳаёти, турмуш тарзи, юнон афсоналари ўзининг бадиий ифодасини топган.

Шарқда “абулмаъоний”, яъни “маънолар отаси” дея таърифланган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг шоҳ асари — “Ирфон” таркибига кирган “Комде ва Мудан” ажиб ишқнома, гўзал севги-муҳаббат достонидир. Бу асарни форс тилидан Жамол Камол таржима қилган. Немис халқ оғзаки ижодидан намуналарни Абдунаби Бойқўзиев таржимасида ўқийсиз.

Улуғ адиб Лев Толстойнинг шахсий шифокори ва котиби бўлган Душан Маковицкийнинг “Толстойнинг сўнгги кунлари” ёдномаси (таржимон Ортиқбой Абдуллаев), рус драматурги Григорий Гориннинг озодлик, адолат ва ҳаётга муҳаббат сингари ўлмас қадриятлар тараннум этилган “Тиль афсонаси” (Иқбол Мирзо таржимаси) драмаси ўқувчиларда жиддий қизиқиш уйғотади.

Алишер Навоий ва Низомий Ганжавий “Хамса”лари қиёсий ўрганилган Нурбой Жабборовнинг “Икки буюк хамсанавис ижод концепцияси” ва Отаулининг Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари тадқиқига бағишланган “Эл сўзи” бадиасини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

ЁШЛАР ОВОЗИ



### ХАЙР ДЕМА

Қайдан кўчди зулматга бу ранг?
Тун кўксига юлдузлар инсин.
Тонгларимнинг кўёши қочган,
Хайр, дема, хайрингни берсин.

Энг ўтли сўз сукунатники —
Овоз пардаларга сиғмаган.
Сен жим туриб сўзлагин, майли
Ва жим туриб тинглайман мен ҳам.

Ярим бахтдан бутун дард яхши,
Тўкисликни этасан-да ҳис.
Аммо ярим йўлда қолдирмоқ...
Пушаймонга бериб қўйма тиз.

Йўқ, мумкинмас бундайин якун,
Ташрифингнинг сўнгги — дард билан?!
Муҳаббатдан буюкроқ сўз топ,
Кетолмайсан тўртта ҳарф билан!

Хайр дема, хайрингни берсин.

### ЮР, КЎНГЛИМ

Нигоҳимдан томчилайди тун,
(Истабмидим? Қазонинг иши!)
Қадаб борар умримга беун
Зимистон ҳам тобора тишин.

Тушун, деймaн, тушунмовчилик
Симирмасдан ҳисларимизни.
Нима қипти, лой дунёсида
Қолдирмасак изларимизни.

Тақдир очкўз, биздан бенасиб,
Бахтли якунларни еб бўлган.
Оёқлари осмонда ернинг,
Ё осмоннинг боши «ер» бўлган.

Боқма, кафтлардан дуомас,
Кўзларингга сачрайди қарсак.
Оёқланар руҳимизни ҳам
Пошналари эзар, қарасак!

Йўқ, бўлмайди, қани, тут маҳкам,
Қармоқлари бу сафар калта.
Дунёсига кўлларимизни
Силкитмаймиз, кетамиз силтаб!
Юр, кўнглим!

### ЁСУМАН

О, ёсуман, ёсуман,
Ё нурмисан, ё суман,
Бир умр ҳамроҳинг-у,
Ҳам оҳинг бўлай, розиман.

Тўкилсанг, хазонингман,
Ох урсанг, тўзонингман.
Ҳажр йўлин ёпгувчи
Чархингман, сўзонингман.

Қалби изтиробмидинг,
Ғарибу харобмидинг,
Бу бебаҳо дунёда,
Бу бебақо дунёда,
Бу бедаво дунёда
Манзили саробмидинг?

Кўй энди армонларни,
Қани, бир кул-чи, қани.
Бахтмунчоқлар келтирай,
Толеингга тақкани.

Боғи бўй, о, сенингдир,
Меҳригўё сенингдир.
Ё сен дунёнинг гули,
Ва ё дунё сенингдир.

Кел, бахткашинг бўлайми,
Кел, аҳдкашинг бўлайми?
Бир осмон дардим билан
Ё дардкашинг бўлайми?!

О ёсуман, ўзлигим,
Мен танлаган йўлимсан.
Ва умримни умрингда
Акс эттирган гулимсан!

* * *

Қўлларим бўшлиққа сўз қотади: «Кел!»
Ва келар бўм-бўшлик илкини чўза
Ва келар сукунат шовқинни буза,
Сен эса...

Сен эса тобора йўқликка дохил,
Соянг-да киприкдан буткул кулару
Сенсиз нафасларни сиғдирмас кўксим,
Улоқтириб ташлар уларни...

«Кел-кел»лаб уради соатнинг бонги,
Аюбий сабрлар кесилган фурсат.
Аксинг қорачиқдан ювилмасин-чун
Кўз ёшсиз яшамоқ-аросат.

Йўл йўлни чорлайди, мен эса сени...
Бетўхтов узайиб борар йўлларинг.
«Ол» дейман бу ишкнинг залвори ҳадсиз
Ва муаллақ қолар қўлларим.

Кел...

* * *

Менга катта бахтлар ваъда қилманг сиз,
Катта бадали бор катта бахтларнинг!
Тасалли изламанг хазондек тарқоқ,
Кўзингиз тубидан уни ахтаринг...

Топсангиз, бир қатим, бир кафт бўлса ҳам
Илининг! Яшашга умрим арзисин
Ва узиб ташланар кўзинккан мунчоқ,
Дардимга кўз тегсин, арисин.

Майда илинжларга қўймайди дастхат,
Соҳиллар учрашмас дер кекса дунё.
Сезмас, бир денгизнинг икки тарафин
Икки соҳил маҳкам тишлаб турар, о!

О, куздек урчиган туманлараро
Бир тутам қаноат эланиб тушган.
У бизнинг насиба, бизнинг кифоя,
Соҳилим, умримиз менгзалмиш тушга.

Менга коинотни тутманг кўшқўллаб,
Бўш кўл-ла қоламан кўтаролмасам.
Яхшироқ бир карич осмонингиздан
Ишқ томчилаб турса, мен териб олсам...

Субҳоний тонгларнинг кулочлари кенг,
Кафтдек ёғдусини кизғонмас биздан.
Кафтдек умри учун сиз ҳам аяманг,
Кафтдек меҳрингизни сўраган қиздан.

* * *

Худо ҳаққи ила ваъда бер дейсан,
Худонинг ҳаққини тинч қўйгин бироз.
Ўзинг ишонмаган рўёларинг-чун
Худони безовта қилма, илтимос.

Унда-ку ҳаққимиз қолганича йўқ,
Умримиз умридан толгунга қадар
Улгур ростланишга, ростликланишга,
То биздаги ҳаққин олгунга қадар...

**Зарнигор АБДУОЛИМОВА,**
**Гулистон давлат университети талабаси**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, журналист, шоир
**Исроил ШОМИРОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, таниқли қозоқ адиби
**Маҳкамбой УМАРОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси
**Норқул БЕКМИРЗАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Таваллуд кунлар


**Яйра Абдуллаева** – 14 август (1930 — 2019) — Ўзбекистон халқ артисти.


**Собиржон Отажонов** – 16 август (1977) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри.


**Қаҳрамон Абдураҳимов** – 18 август (1949) — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.


**Вера Плунгян** – 19 август (1935-2017) – мусиқашунос, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор.


**Анвар Илҳомов** – 20 август (1946) – архитектор, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.


**Абдураззоқ Обрўй** – 20 август (1956) – шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## Маънавият дафтари

Одам — фақат атама эмас, — унвон, унвон бўлганда ҳам, жуда юксак унвон. Бу юксак унвонга муносиб бўлиш учун бир умр интилиш керак.

**Расул ҲАМЗАТОВ**

**O‘zbekiston adabiyoti va san’ati**

**Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.**
**Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru**

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

**Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ**
**Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ**
**Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА**

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1207. Буюртма Г - 744.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 23.00.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42 Санъат бўлими: 233- 56- 40 Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60*